

67  
С-21

АКМАЛ САИДОВ



КОНСТИТУЦИЯ  
ВА ДАВЛАТ  
РАМЗЛАРИ



67	2997/2
C-21	А. Саидов
Жаматидаги ра	

Китоб шу ерда кўрсатилган муддатдан  
кечиктирилмаган ҳолда топширилиши шарт

Илгариги берилмалар миқдори \_\_\_\_\_

--	--

---

---

**АКМАЛ САИДОВ**

---

---

# **КОНСТИТУЦИЯ ВА ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ**

**Чўлпон номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи  
Тошкент – 2017**

УЎК 94(575.1):342.228  
КБК 67.400(5Ў)  
С 21

**Саидов, Акмал**

С 21 Конституция ва Давлат рамзлари [матн]: / А.Х. Саидов. – Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2017. – 100 б.  
ISBN 978-9943-05-994-8

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, Президент лавозимининг таъсис этилиши, давлат номининг эълон қилиниши, расмий давлат рамзлари – Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳиясининг қабул қилиниши, ўз валютаси, пойтахти, тили, ҳудуди, фуқаролиги, умумхалқ байрамларига эга бўлиш дунё харитасида янги давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигининг ифодасидир.

Давлат рамзлари озод ва обод Ватанни бунёд қилиш гоёси атрофида бутун жамият кучларини бирлаштира оладиган қудратли қуролдир. Рисолада Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг яратилиши жараёни атрофлича таҳлил ва талқин этилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳиясини яратиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг алоҳида роли тарихий манбалар ҳамда архив ҳужжатлари асосида кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига бағишланган мазкур рисола ҳуқуқ соҳаси бўйича мутахассислар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК 94(575.1):342.228  
КБК 67.400(5Ў)

2997/2

Ваншота А.У.

ISBN 978-9943-05-994-8

© А.Х. Саидов, 2017  
© Чўлпон номидаги НМИУ, 2017  
(Болалар адабиёти нашриёти)



## Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига бағишланади

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг қўлга кирилиши – бу минг йиллар давомида шу юрт заминида яшаб келган халқ орзу-умидларининг, озод ва обод Ватан, фаровон ҳаёт куриш ҳуқуқ ва имкониятларининг рўёбга чиқиши бўлди. Давлат мустақиллиги озод халқ иродаси билан жамият ва давлат мақсад-манфаатларининг муштарақлигидир. Бу Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг таъсис белгилари бўлган давлат рамзларида мужассамлашган.

Давлат рамзлари умумий гоё ва мақсадлар йўлида жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар фаолиятини бирлаштирувчи, фуқароларда ўз Ватанига эғалик, ундан фахрланиш туйғуларини шакллантирувчи қудратли воситалардир. Улардан самарали фойдаланилса, жамият тараққиёти суръатлари шу қадар тезлашадики, натижада буни ҳеч қандай куч тўхтатишга қодир бўлмайди.

Давлат рамзларига фуқароларнинг муносабати жамиятдаги ўзгаришлар, ислохотларнинг ўзига хос ифодасидир. Жумладан, иқтисодий ўсиш мезони сифатида миллий валютанинг мустаҳкамланиб бораётганлиги, демократлаштириш жараёнлари ва фуқаролик жамияти шаклланишининг ҳуқуқий асоси сифатида Конституцияга муҳим ўзгаришлар киритилаётганлиги, шонли саналар, умумхалқ байрамларида давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг нуфузи, аҳамияти беқиёс органлиги бунинг ёрқин тимсолларидир.

Давлат рамзлари сиёсий ва ҳуқуқий мазмунга эга. Улар жамият ҳаётида муҳим ўрин тутадиган ҳуқуқий рамзлар турларидан ҳисобланади. Давлат рамзлари қонун ҳужжатларида ифодаланган ижтимоий муносабатлар тўғрисида зарур ахборотларни мужассамлаштиради.

**Рамз – арабча сўз бўлиб, бирор гоя, тушунча, ҳодиса ва шу кабиларни ифодаловчи, эслатувчи шартли белгини англатади.**

**Рамзлар ёхуд символлар** – инсон ҳаётининг ажралмас қисми. Улар бўшлиқдан пайдо бўлмайди. Рамзлар ижтимоий маданиятнинг ажралмас қисми, жамият ва давлатнинг муайян даврдаги умумий интилишлари кўринишидир. Улар дунёси инсонлар онгида давлат ва ҳуқуқ тўғрисида асосий тасаввурларнинг шаклланишига сезиларли таъсир қиладиган воситалардир.

Бугунги кунда ҳуқуқий адабиётларда давлат рамзлари, давлатнинг рамзий белгилари, давлат суверенитети рамзлари, рамзий ифода, рамзий белги, давлат эмблемаси ва бошқа кўплаб тушунчалардан фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан, мазкур рисолада бу тушунчаларни илмий асослашга ҳаракат қилинади. Шунингдек, давлат рамзларининг мазмуни ва шакллари таҳлил қилинади.

Рисолада давлат рамзларини кенг ижтимоий ва расмий-ҳуқуқий тушуниш асослари, ижтимоий ирода ва индивидуал ирода нисбати диалектикаси, давлат рамзларининг умумий хоссалари ва ҳуқуқий моҳияти, белгилари, мазмуни ва шакллари, функция ва тизими тушунчалари қатори, давлат рамзий белгиларини яратиш ёки уларга ўзгартириш киритишда қўлланиладиган усулнинг юридик мазмуни, давлат рамзларининг бошқа ташкилотлар рамзлари билан жамиятнинг ягона рамзлар тизими таркибига кириши ва бу тизимнинг фаолият кўрсатиб туриши механизми тадқиқ этилади.

Давлат рамзлари мамлакатимиз ҳудудида уч минг йил давомида равнақ топган миллий давлатчилик тимсолларидир. Улар ўзбек халқининг минг йиллар давомида шаклланган маданияти, анъаналари, руҳияти, қадриятлари ва тажрибаси белгилари, халқимизнинг буюк аждодлар вориси эканлигининг нишонасидир. Рисолада давлат рамзларининг мамлакатимиз ҳудудида илк давлат ва ҳуқуқ билан бирга вужудга келганлиги ҳамда давлатчилигимиз тарихи ибтидосидан гувохлик берувчи манба – «Авесто»да мужассамлашган ҳуқуқий одатлар билан мустаҳкамланганлиги тарихий манбалар воситасида ёритилди. Бундан ташқари, Соҳибқирон Амир Темур даврида рамзий бел-

гилардан фойдаланиш муносабатлари «Темур тузуклари» асосида таҳлил қилинади.

Рисолада давлат рамзлари жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ижтимоий келишув рамзи сифатида таърифланади. Давлат рамзлари озод ва обод Ватанни бунёд қилиш гоёси атрофида бутун жамият кучларини бирлаштира оладиган қудратли қуролдир. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг яратилиши жараёнини ўрганиш асносида, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳиясини яратиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг алоҳида ролини тарихий манбалар ва архив ҳужжатлари асосида кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилинди.

Бинобарин, бу жараёнлар мустақил Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилиш билан узвий боғлиқликда кечган. Президент Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу ҳақда шундай деди: **«Олий Кенгаш депутати сифатида мен ҳам Конституциявий комиссия таркибида Бош қомусимизни яратиш ва қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этганимни доимо фахрланиб эслайман. Конституциямизнинг қандай қилиб ҳозирги мазмун ва шаклга келгани, бу мураккаб жараёнда кечган қизгин тортишув ва баҳс-мунозаралар бугунгидек ёдимда. Ҳақиқатан ҳам, 90-йиллардаги ўта оғир даврда Асосий қонунимиз лойиҳасини ишлаб чиқишда Ислом Абдуганиевичдек кенг миқёсда, стратегик фикрлайдиган, узокни кўра оладиган буюк сиёсий арбобнинг бу ишга раҳбарлик қилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этди»**<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови / Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

## БИРИНЧИ БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ ТАРИХИ

### 1.1. Давлат рамзлари тарихига бир назар

Ҳар қандай мустақил давлатнинг муҳим ва ажралмас хусусияти – бу давлат суверенитети ҳисобланади. Миллий давлатни ифодалайдиган давлат рамзлари давлат суверенитетининг ўзига хос белгиларидир. Давлат рамзлари давлат билан бирга таъсис этилади ва унинг шакллари давлат суверенитети билан бирга вужудга келади.

Ўзбек халқи ва давлат ҳокимиятининг мустақиллигини белгилайдиган илк рамзлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бундан уч минг йил олдин шаклланган. Улар ўзбек халқининг олий иродаси рамзлари сифатида пайдо бўлган ва ўзбек халқи суверен миллий давлатчилигининг ажралмас белгиларига айланган. Ўзбекистон Республикаси миллий давлатчилик ва ҳуқуқий тизимнинг бугунги кундаги шакли сифатида ўзбек халқи олий иродасини ифодалаш анъанасини ворисийлик асоида давом эттирмоқда<sup>1</sup>.

**Бобом уқтирган такрор  
Истиклол бу – бахт, дея.  
Озод Ватан рамзи бор:  
Байроқ, герб ва мадҳия.**

**Бугун дадам берар дарс  
Асрамоғинг шарт, дея.  
Рамзлар ҳам муқаддас:  
Байроқ, герб ва мадҳия.**

*Иқбол Мирзо  
Ўзбекистон халқ шоири*

Давлат рамзларининг Ўзбекистон ҳудудида илк давлат ва ҳуқуқ билан бирга вужудга келганлиги ҳамда миллий давлатчилик тарихи ибтидоидан гувоҳлик берувчи манба – «**Авесто**»да мужассамлашган ҳуқуқий

<sup>1</sup> Қаранг: А.Х. Саидов. Қиёсий конституцияшунослик. – Т., 1993. – 35-бет; А.Х. Саидов, Ж. Тошқулов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Т., 1995; Ў.С. Очиллов. Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари. – Т., 2007. – 112 бет.

одатлар билан мустақамланганлиги тарихий манбаларда ҳам, замонавий тадқиқотларда ҳам атрофлича ёритилган. Шунингдек, Амир Темур даврида рамзий белгилардан фойдаланиш муносабатлари ҳақида «Темур тузуқлари»да кўплаб далиллар келтирилган<sup>1</sup>.

Уруғ-жамоа тузуми даврида дунёнинг бошқа қисмларида бўлгани каби, мамлакатимиз ҳудудида уруғ-қабилаларни бир-биридан ажратиб турувчи, уларнинг қабиладаги мавкеини белгилайдиган **тотемлар** шаклидаги уруғ ва қабила рамзлари мавжуд бўлган. Ўзбекистон тарихида ибтидоий жамият ўрнига янги давр – тоифавий жамият даврининг кириб келиши энг олий тоифа ҳукмдорларининг ижтимоий муносабатлардаги ҳуқуқий ҳолатини кафолатлайдиган белги – давлат бошлигининг рамзий байроғи давлат рамзи мақомини олган.

**Тотем** – (инглизча: Totem; ҳиндуча: ототем) – «унинг насли, уруғи», деган маъноларни билдиради. Ибтидоий уруғ, қабилаларда диний ҳурмат-эҳтиром объекти бўлган, яъни илоҳийлаштирилган ҳайвон, ўсимлик, бирор нарса-буюм ёки табиат ҳодисаси бўлиб, одатда ҳар бир уруғ-қабила ўз тотеми номи билан аталган.

Марказий Осиё қадимги туркий қавмларининг этник жиҳатдан маънавий раҳнамоси – **бўри тотеми**, шунингдек қанотларини ёзган **бургут рамзи** қадимги туркий давлатлар байроғида акс эттирилганлиги тўғрисида маълумотлар бор<sup>2</sup>. Айрим ёзма манбаларда туркий уруғлар бўри, илон, барс, бургутдан келиб чиққанликлари эътироф этилади<sup>3</sup>.

Ҳар бир уруғнинг ўз тотеми ва шу тотем сиймоси остида акс эттирилган маъбуд бўлгани ҳолда, ҳамма уруғларни ягона давлат ҳокимияти остида бирлаштирган бош маъбуд ва уни акс эттирувчи бош тотем

<sup>1</sup> А.Х. Саидов. Мустақиллик рамзлари (Сўзбоши ўрнида) // Ў.С. Очилов. Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари. – Т., 2007. – 4-бет.

<sup>2</sup> К. Маҳмудов. Туркий байроқлар рамзи // Фан ва турмуш. 1991 йил 12-сон, 20-бет.

<sup>3</sup> Н. Раҳмон. Турк хоқонлиги. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 12–115-бетлар.



конституциявий одатлар билан ҳуқуқий мустаҳкамланган. Туркий қаби-  
лаларнинг бош маъбуди **Тангри**<sup>1</sup> ва бош тотеми бургут рамзи бўлган.  
**Култегин битиктоши**<sup>2</sup>даги Тангрига бағишлангани қуйидаги мадҳия  
ҳам буни тасдиқлайди: «!Оқорида кўк Тангри пастда қора ер қилинган-  
да, иккисининг ўртасида инсон болалари яратилган»<sup>3</sup>.

Марказий Осиёдаги илк давлатлар, яъни **Сак-искф**, Бақтрия, Хо-  
разм, Марғиёна, Суғдиёна билан бирга бу давлатларнинг худудида  
устун ирода субъектини ифодалайдиган рамзлар конституциявий одат-  
лар билан тасдиқланган. Ана шундай рамзлар давлат тамғали байро-  
гининг асосий тасвирини ташкил қилган.

«**Тамға**» атамаси ҳақида фикр юритганда, бу тушунча Шарқ мамла-  
катларида жамоа-давлат мулки белгиларига нисбатан қўлланилганини  
қайд этиш даркор. Бинобарин, **биринчидан**, Қадимги Шарқда инди-  
видуализмдан жамоатчилик устун ҳисобланган. **Иккинчидан**, Шарқда  
давлатлар жамоа мулки асосида шаклланган бўлиб, жамоа танлаб ол-  
ган ҳукмдор жамоа ер-мулкининг эгасига айланган. Ўз навбатида, бу  
ер-мулк ҳукмдор шахсига эмас, балки ҳукмдор лавозимига тааллуқли  
бўлган. Бундай шароитда жамоа мулкни давлат суверенитети остида  
умумлаштирувчи ва ажратиб турувчи расмий рамзий белгиларга, шу  
жумладан, «тамға»ларга эҳтиёж юзага келган.

**Култегин битиктошининг юқори қисмида қалқон  
лавҳа шаклидаги бургут тасвири туширилган. Бургут тас-  
вири Бақтрия тамғаларида ҳам мавжуд бўлган.**

Қадимги туркий давлатларнинг конституциявий одатларини ўзида  
муҳассам этган Ирқ битигида бургут эмблемаси (тимсоли) Турк хоқон-  
лигининг рамзи сифатида келтирилган. Култегин битиктошининг юқори

<sup>1</sup> **Тангри** (мўғулча: тэнгэр – осмон; худо) – Оллоҳ, Худо, Парвардигор мазмуни-  
даги луғавий маъноларга эга. Қадимги туркий халқларнинг тасаввурига кўра, у –  
коинот асосчиси, осмон руҳи.

<sup>2</sup> **Култегин битиктоши** – бундан тахминан икки минг йил илгари Турк хоқони-  
нинг укаси, турк қўшинларининг лашкарбошиси Култегин шарафига Ўрхун қирғоқла-  
рида тошга битилган ёзувлар.

<sup>3</sup> *Н. Раҳмон*. Турк хоқонлиги. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси  
нашриёти, 1993. – 88-бет.

қисмида қалқон лавҳа шаклидаги бургут тасвири туширилган<sup>1</sup>. Бургут тасвири Бақтрия тамгаларида ҳам мавжуд.

«Авесто»да тасвирланган Семурғ<sup>2</sup> – Хумо қушининг образи Марказий Осиёда ташкил топган қадимги давлатларнинг тамғасида акс эттирилган қанот қоқайтган бургут тимсоли билан чамбарчас боғлиқ<sup>3</sup>. Туркий халқлар орасида Семурғнинг Хумо, Анко, Давлат қуши, Бахт қуши, Муркамомо, Қунтубулғон, Булбулигўё ва бошқа номлари ҳам бор.

Хумо қуши туркий халқлар тафаккурида бахт ва озодлик қуши ҳисобланади<sup>4</sup>.

Тамғалар эмблемаси одатда давлат байроғи, давлат муҳри, тангапуллар, давлат ёрлиқлари, давлат уловлари ва бошқа жойларда тасвирланиб, давлатга тегишлиликни англатган. Шунинг учун «**тамға**» атамаси туркий халқларда Давлат муҳри, Давлат ҳисобига ундириладиган солиқ, уловларга қўйиладиган тамға каби маъноларни билдириб<sup>5</sup>, тамға ёрдамида давлат ҳокимиятининг ягоналиги ва мустақиллиги расмий ифодаланган.

**«Авесто»да тасвирланган Семурғ – Хумо қушининг образи Марказий Осиёда ташкил топган қадимги давлатларнинг тамғасида акс эттирилган қанот қоқайтган бургут тимсоли билан чамбарчас боғлиқ.**

Конституциявий одатларда давлат ҳокимиятининг ҳомийси ҳисобланган маъбуд шарафига уни мадҳ этувчи ва давлат байроғи ҳамда тамғасининг мусиқий муқобили бўлмиш қўшиқ, мусиқа ва шеърлар ҳуқуқий мустаҳкамланган. Марказий Осиёда илк мадҳиялар тахми-

<sup>1</sup> Н. Раҳмон. Турк ҳоконлиги. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 112-бет.

<sup>2</sup> М. Сафарбоев. «Авесто»да давлат рамзлари // «Авесто» ворислари. – Урганч: «Хоразм», 2001. – 4–5-бетлар.

<sup>3</sup> 1998 йили Қорақалпоғистон археолог олимлари Кердер қалъасидан IX асрда оид товоққа солинган Хумо қушининг рангли суратини топган бўлиб, унда Хумо қанотларини ёйиб турган ҳолда акс этган.

<sup>4</sup> М. Сафарбоев. «Авесто»да давлат рамзлари // «Авесто» ворислари. – Урганч: «Хоразм», 2001. – 4–5-бетлар.

<sup>5</sup> Радлов В.В. Тамга // Опыт словаря тюркских наречий. – Т.3. Ч.1. – СПб., 1905. – С.1003–1004.

нан уч минг йил муқаддам ўқий бошланган. Масалан, маъбуд Митрага бағишланган мадҳияларнинг бирида унинг ҳамма нарсадан огоҳ экани мадҳ этилиб, жумладан, Спитамага (уруф бошлиғи) берилган сўзга содиқ бўл, шартнома сўзлари иккала томон учун ҳам бирдир<sup>1</sup>, дейилган.

Кейинчалик қадимги мадҳиялар асосида диний эътиқодни ва давлат ҳокимиятини ифодалайдиган мадҳиялар ажралиб чиққан. Одатга кўра маросимларда, мажлисларда, байрам кунлари ҳукмдорга бағишланган мадҳиялар ўқилган, йирик асарларнинг бош қисмида ҳукмдорни шарафлайдиган махсус мақтовлар битилган, давлат тамғаси, давлат ҳужжатлари ва ёрлиқларида ҳукмдор унвонлари ва мартабаларини санаб, уни улуғлайдиган монограмма – «**туғро**»лар<sup>2</sup> битилган.

Амир Темур ва Темурийлар даври ўзбек давлатчилигининг энг юксак тажрибалари ва қонунчилиги ҳақида сўз борганда, кўпчилик муаллифлар «Темур тузуқлари»ни Амир Темур давлатининг Конституцияси сифатида эътироф этади<sup>3</sup>. Амир Темур суверен ҳокимиятининг рамзий байроғи ва тамғаси давлат ҳокимияти белгиси сифатида салтанат ҳудудида олий ирода субъектини ифодалаш мақомига эга бўлган.

**Амир Темур тамғаси – бир-бирига туташган уч ҳалқа тасвири бўлиб, у Амир Темур ва Темурийлар давлатининг тўқ ҳаворанг давлат байроғида акс эттирилган**<sup>4</sup>. Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг ёзишига қараганда, Амир Темур буйруғи билан бу эм-

<sup>1</sup> З. Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. 1-қисм. – Самарқанд, 1998. – 3-бет.

<sup>2</sup> **Туғро** (туркийча) – Шарқ мамлакатларида подшоҳ ва хонларнинг фармонлари бошида уларнинг унвони – ном ва амалларини кўрсатувчи махсус безакли ёзув, рамзий белги, сарлавҳа ўрнидаги сўз, жумланинг безак сифатида ёзилиши. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида туғрач шаклида келтирилиб, унинг 3 маъноси берилган: 1. ўғузлар тилида подшо муҳри; 2. подшоҳ сафарга чиқиш олдидан кўшиндаги ҳар бир жангчига берадиган от; 3. ўғузлар тилида муҳр босилган хат.

<sup>3</sup> Қаранг: З. Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. 1-қисм. – Самарқанд, 1998. – 174-бет.

<sup>4</sup> Қаранг: Э. Азимов, Ф. Ашрафхўжаев. Амир Темур давлатининг рамзлари // Тафаккур. – Т., 1996, 3-сон. – 42-бет; К. Маҳмудов. Туркий байроқлар рамзи // Фан ва турмуш. 1991, 12-сон. – 21-бет.

блема улуг Соҳибқирон салтанатида зарб этилган тангалар, давлат муҳрлари, умуман, давлат бошланғининг фармонлари асосида тайёрланган барча буюмларда акс эттирилган<sup>1</sup>.

Араб тарихчиси **Ибн Арабшоҳнинг** маълумот беришича, Амир Темур давлати тамғаси эмблемасида уч ҳалқадан ташқари, яна «русти – русти», яъни «куч – адолатда» ибораси ҳам ёзилган бўлган<sup>2</sup>. Профессор П. Равшановнинг фикрига кўра, «**Оқсарой қасри бош дарвозаси пештоқига «Рости-русти» сўзлари ёзилган эди... ёш ватанпарварларнинг шиори «Рости-русти» бўлган ва уни Амир Темурга Шайх Шамсиддин Кулол тавсия қилган**»<sup>3</sup>.

Шу ўринда Амир Темурнинг Франция Қироли Царль VI га юборган хатини эслатиш лозим<sup>4</sup>. Мазкур мактубнинг асл нусха эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Буни хатнинг икки жойига Амир Темурнинг мўъжаз муҳри босилгани яққол тасдиқлайди. Хатдаги муҳрнинг, ҳақиқатан ҳам, Соҳибқиронга тегишли экани аксарият тарихчилар, шу жумладан, элчи Клавихо<sup>5</sup> ва муаррих Ибн Арабшоҳ<sup>6</sup> томонидан исботланган.

<sup>1</sup> Амир Темур Европа элчилари нигоҳида / Клавихо Руи Гонсалес де. Буюк Амир Темур тарихи (1403–1406); Таржимон У. Жўраев. Султония архиепископи Иоанн. Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар. Таржимон Б. Эрматов; Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2007. – 111-бет.

<sup>2</sup> *Ибн Арабшоҳ*. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») // Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У. Уватов. – Т.: «Меҳнат», 1992. I китоб, – 328-бет; II китоб, – 192-бет. II китоб, – 65-бет; Ibn Arabchah. Etrangetes du destin sur les aventures de Timour (1440), trad. Franeaise de P. Vattier, Paris, 1658.

<sup>3</sup> *П. Равшанов*. Шахрисабз тарихи (Энг қадимги даврлардан XX асрнинг I чорагича). – Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – 317–318-бетлар.

<sup>4</sup> *Қаранг: Л. Керен, А. Саидов*. Амир Темур ва Франция. – Т.: «Адолат», 2016. – 514–524-бетлар; Kehren L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. 3e édition – Paris: Imprimerie Nationale, 2006. – P. 298; Франция Қироли Шарль VI нинг Амир Темурга мактуби // Л. Керен, А. Саидов. Амир Темур ва Франция. – Т.: «Адолат», 1996. – 77-бет; Академик Б. Аҳмедов таржимасига қаранг: Б. Аҳмедов. Амир Темур. – Тошкент: 1995. – 584–585-бетлар; Лотинча ва французча матнлардан М. Холбеков ва Р. Қиличев таржимасига қаранг: Франция Қироли Шарль VI нинг Амир Темурга мактуби // М. Холбеков. Амир Темурнинг Европа Қироллари билан ёзишмалари. – Самарқанд: «Мерос», 1996. – 25-бет.

<sup>5</sup> *Руи Гонсалес де Клавихо*. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403–1406 гг. Подлинный текст с переводом и примечаниями, составленными

Ўз навбатида, француз шарқшуноси **Сильвестр де Саси** бу борадан исосли бир масалани кўтарган. Яъни, Ибн Арабшоҳ китобини лотин тилига таржима қилган Мангер нима сабабдан Амир Темурнинг муҳридаги иборани «*veritas, salus*» («ростгўйлик, қутулиш») сўзлари билан ўйирган, деган у. Ибн Арабшоҳ асарининг инглиз тилига янги таржимони **Ж. Сандерс** (J.H. Sanders) Амир Темурнинг шиорини «*rasti rusti*» деб ўқиган ва Мангер изидан бориб, бу сўзларни «*Truth is safety*» («Ҳақиқат – нажотдир») тарзида таржима қилган<sup>1</sup>.

**Амир Темур тамғаси – бир-бирига туташган уч ҳалқа тасвири бўлиб, у Амир Темур ва Теурийлар давлатининг тўқ ҳаворанг давлат байроғида акс эттирилган.**

**Шарафиддин Али Яздий** Ибн Арабшоҳ томонидан Соҳибқироннинг муҳрида деб кўрсатилган сўзлар Амир Темурнинг узугида битилгани ҳақида ёзган<sup>2</sup>. Шарафиддин Али Яздий асарининг таржимони **Пети де Ла Кроа** (Pétis de La Croix) Амир Темур узугидаги «*rasti rusti*» иборасини «*le salut consiste dans la droiture*» («Нажот – ростгўйлик эвазигадир»), деган мазмунда ўйирган<sup>3</sup>. Ўз навбатида, **А. Мюллер** Амир Темурнинг узугидаги сўзларни «хуқуқ – куч» деб таржима қилган<sup>4</sup>.

Амир Темур таржимаи ҳолида кўрсатилишича, **Шайх Зайниддин** Амир Темурга «рости-расти» деган сўзлар битилган маржон узук берган бўлиб<sup>5</sup>, бу сўзлар «агар адолатли бўлсанг, ҳар бир ишда омад ёр

под. ред. И.И. Срезневского. Спб.1881 (сборн.отд.русск.яз.и словесн. И. Акад. Наук, т. XXVIII, №1). – С. 235-236.

<sup>6</sup> Ahmedis Arabsiadae vitae et rerum gestarum Timuri... historia. Ed. Manger/Leovardiae. 1772. II. – P. 782.

<sup>1</sup> Tamerlan or Timur-Bec, the Great Amir/ Translated by J.H. Sanders. From the Arabic Life by Ahmed ibn Arabshah. London, 1936. – P. 295.

<sup>2</sup> The Zafarnamah by Maulana Sharafiddin Ali of Yazd, by Maulawi Muhammad Iahdad. Calcutta, 1887–1888, II. – P.170.

<sup>3</sup> Histoire de Timur-Bec, connu sous le nom du grand Tamerlan, écrite en persan par Charfeddén Ait Yezdé et traduite en franéais par Franéois P?tis de La Croix, publié par Alexandre-Louis-Marie Pétis de La Croix, Paris, 1722,4 vol., in-12.

<sup>4</sup> **Мюллер А.** Истории ислама с основания до новейших времен». Спб., 1896, – Т., III. – С. 292.

<sup>5</sup> Автобиография Тамерлана. Перевод с тюркского Н. Лыкошина. – Ташкент: 1894. – С. 10.



бўлади», деган маънони англатади. Бошқа бир қатор тадқиқотчилар Амир Темурнинг бу ҳикматли шиорини «Куч – адолатдадур», деган мазмунда талқин қилган<sup>1</sup>.

Шунингдек, Амир Темур ва Франция Қироли Шарль VI ўртасидаги яқинлашув сиёсати билан боғлиқ ҳолда, 1403 йил июнь ойининг бошида Парижга гўё Амир Темур томонидан йўлланган доминикан ордени руҳонийси Султониянинг Иоанн исмли архиепископи Қирол Шарль VI га ишонч ёрлиқларини топширган, зарҳал ҳарфлар билан битилган ёрлиқнинг бирида Амир Темурнинг «Рости-русти» шиори битилган кичик шахсий муҳри босилган бўлган<sup>2</sup>.

Буларнинг барчаси ушбу ибора Амир Темур давлатининг шиори бўлганини тасдиқлаб турибди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон тарихи давлат музейи фондида сақланаётган кўпгина археологик топилмалар уч ҳалқа тасвири Амир Темур ва Темурийлар давлатининг асосий эмблемаси бўлганлигини исботлайди<sup>3</sup>.

Амир Темур давлат бошқаруви девонини, бугунги тил билан айтганда, қуйидаги учта бошқармага ажратиш мумкин:

**биринчиси**, ҳуқуқ-тартибот бошқармаси;

**иккинчиси**, ҳарбий-маъмурий бошқарма;

**учинчиси**, хўжалик-молия бошқармаси.

<sup>1</sup> Қаранг: М.Е. Массон. Клад утвари мастерской фальшивомонетчика XIV века под Ташкентом. Материалы Узкомстариса. Вып. 4. – Ташкент: 1933. – С. 10; Д.И. Логофет. Бухарское ханство под русским протекторатом. – СПб. 1911, т.II. – С. 261.

<sup>2</sup> Архиепископ Иоанн ўзининг ана шу сафари таассуротлари битилган асариди Соҳибқироннинг «тамғасига форс тилида «Адолат» сўзи икки марта ёзилган», деб гувоҳлик берган. Фикримизча, бу ерда архиепископ «рости» ва «русти» сўзларини бир-бирдан ажратолмай хато қилган. Нафақат Иоанн, балки Клавихо ҳам бу икки сўзнинг фарқига бормаган, зеро Кастилия элчиси Амир Темурнинг тамғасида атиги бир сўз битилган эди, деб ёзиб қолдирган: «Шоҳнинг муҳрига ҳарфлар билан «ҳақиқат» сўзи ёзилган бўлиб, сўзнинг тагида учта доира шаклидаги белги бор». Қаранг: Амир Темур Европа элчилари нигоҳида /Клавихо Руи Гонсалес де. Буюк Амир Темур тарихи (1403–1406); Таржимон У. Жўраев. Султония архиепископи Иоанн. Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар. Таржимон Б. Эрматов; Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2007. – 147-бет.

<sup>3</sup> Ў. Алимов. Амир Темур давлати рамзлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996, 27 сентябрь.

Бу бошқармалар таркибини фикҳшунос олимлар, шунингдек, ҳарбийлар ва сипоҳийлар, яъни давлат хизматчилари тоифасидан чиққан мансабдорлар ташкил қилган. Уларга тегишли мансабдорлар ҳуқуқий мақомини, яъни ўз соҳасидаги ҳокимлик белгисини одатда учига от думи боғланган шахсий байроқ – **туғ**<sup>1</sup> ифодалаши «Темур тузуқлари»-да мустаҳкамлаб қўйилган<sup>2</sup>.

**Амир Темур томонидан Оқсарой қасри бош дарвозаси пештоқиға «Рости-русти» сўзлари ёзилган. «Рости-русти» бош шиор бўлиб, уни Амир Темурга Шайх Шамсиддин Кулол тавсия қилган.**

Бундан ташқари, Соҳибқироннинг яна бир устози **Сайид Барака** 1370 йилда Термиз яқинидаги Биё (айрим манбаларда – Буё) мавзеида бўлиб ўтган Улуғ учрашувда Темурбекка Маккадан келтирилган ҳукмдорлик тимсоллари – туғ ва ноғорани тақдим этган<sup>3</sup>. Амир Темур давлат рамзларига, яъни байроқ, ноғора-туғларга катта эътибор берган. Уларни амирларга тақдим этиш қондаларини қатъий белгилаб қўйган.

Амир Темур даврида давлат байроғи ва тамғасининг мусиқавий муқобили – олий иродага эътиқодни ифодалайдиган давлат мадҳияси ҳам мавжуд бўлиб, у «**Аллоёр**» деб номланган<sup>4</sup>. Асосан, ҳарбий юриш-

<sup>1</sup> **Туғ** – қадимдан Шарқ мамлакатларида ҳукмдорлик, вазирлик, беклик ва ҳоказолар белгиси бўлиб, ҳўкиз ёки от думидан ясалган. Мозийда Осиёнинг бир қанча давлатларида, хусусан, Хитой ва Ҳиндистонда кўтос ҳамда тибет ҳўкизи думидан ясалган бўлса, турклар уни, асосан, от кўйруғи қилларидан тайёрлаганлар. «Туғ» атамаси илк марта бир уйғур хоқони шаънига битилган Шинеусу (VIII аср ўртаси) ёдномасида кўзга ташланади. 1202 йилда Чингизхон Ўнан (Онон) дарёси бўйида 8 туғни тиккан ҳолда салтанат ташкил топганлигини эълон қилган. Ислон дини қабул қилингандан кейин ҳам туркий давлатларда туғ кўлланишда давом этган. Чингизхон салтанатида, Салжуқийлар, Мамлуклар, Қорахонийлар, Усмонийларда бўлгани каби, туғ Темурийларда ҳам мавжуд бўлган. Туман беги «баҳодир» фахрий унвони қатори туғ, довул ҳамда тумантуғ ва чортуғлар билан шарафланган.

<sup>2</sup> Темур тузуқлари / Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. – Т., 1991. – 80–81-бетлар.

<sup>3</sup> Л. Керен, А. Саидов. Амир Темур ва Франция. – Т.: «Адолат», 2016. – 73-бет.

<sup>4</sup> Э. Азимов, Ф. Ашрафхўжаев. Амир Темур давлатининг рамзлари // Тафаккур. – Т., 1996, 3-сон, – 44-бет.

лардан олдин ижро этилган ушбу Давлат мадҳиясининг бундай номла-ниши «Аллоҳ ёр бўлсин», ҳар ишда Тангри таоло қўлласин, мададкор бўлсин, деган маънони билдиради.

Кейинчалик Россия империясининг Марказий Осиёни босиб оли-ши оқибатида ўзбек халқи ўзининг олий ирода субъекти мақомидан маҳрум этилган. 1867 йили Ўзбекистон ҳудудида шаклланган мустам-лакачи Туркистон генерал-губернаторлиги Туркистон ўлкасини бошқа-риш тўғрисидаги низом эълон қилган. Шу асосда 1868 йили Бухоро амирлиги, 1873 йили Хива хонлиги билан тенгсиз шартномалар ту-зилган.

Бу халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ўзбек давлатлари ҳудуди ва халқи-нинг мустамлака сифатидаги мақомини белгилаган. Шу мақомни ифо-далайдиган мустамлака рамзлари эълон қилиниб, генерал-губернатор-лик герби – асосий қалқонда Россия империяси рамзи бўлган икки бошли бургут тасвири, атрофида Россиянинг Марказий Осиёдаги мус-тамлакалари рамзи бўлган тўққиз кичик қалқон ва Россия императори тожи билан безатилган герб ҳуқуқий тасдиқланган<sup>1</sup>.

1917 йил Россия империяси вориси бўлмиш янги мустамлакачи давлат сифатида РСФСР ўзининг давлат рамзлари ва маъмурий-ҳудудий бирликларининг рамзларини жорий этган. Бунда тоталитар ком-мунистик мафкура ниқоби остида ўзбек халқининг мустақиллик ва озод-ликка бўлган интилишларини синдириш сиёсатини ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам мафкуравий воситалар ёрдамида изчиллик билан олиб бориш орқали Ўзбекистоннинг давлат суверенитетидан маҳрум этил-ган ҳолати зўрлик билан сақлаб қолинган.

Собиқ совет тузуми замонида Ўзбекистон рамзлари аслида суве-ренитетдан маҳрум этилган ҳудуд маъносини ифодалашга хизмат қил-ган. Янада аниқ қилиб айтганда, ўша даврда Ўзбекистон рамзлари давлат суверенитети рамзлари сифатида қонун билан тасдиқланган бўлса-да, амалда давлат суверенитети мазмунига эга эмас эди. Хусу-сан, РСФСР давлат байроғи эмблемаси сифатида 1918 йил 8 апрелда Бутунроссия марказий ижроия қўмитаси мажлисида расмий эълон қилинган қизил байроқ мустақиллик арафасига қадар Ўзбекистон ССРни

---

<sup>1</sup> Ў.С. Очилов. Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари. – Т., 2007. – 39-бет.

ифодалайдиган эмблемаларнинг асосий элементи бўлиб қолгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Шундай қилиб, мамлакатимизда давлат мустақиллиги қўлга киририлиб, давлат рамзлари шаклларининг ҳуқуқий мустақамланиши ўттиз аср олдин таъсис бўлган суверенитет рамзларининг мазмунан тикланиши воқелигини ўзида намоён этади.

## 1.2. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши

**Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларини ишлаб чиқиш жараёнлари мустақилликка эришишдан анча олдин бошланган<sup>1</sup>.** Шу нуқтаи назардан, мазкур жараённи Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда, қуйидаги уч даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

**Хумо қуши** – давлат қуши, бахт келтирувчи қуш, олижаноблик ва фидокорлик рамзи сифатида қаралиши бу тасвирнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби эмблемасига туширилиши учун энг муҳим далиллардан биридир.

**Биринчи давр** – Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибида бўлган вақтда давлат суверенитети рамзларининг тикланиши ва улар шаклларининг ишлаб чиқиш жараёнидан бошланади.

**Иккинчи давр** – Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган 1991 йил 31 август санасидан бошланиб, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинган кун, яъни 1992 йил 8 декабрғача давом этади.

**Учинчи давр** – Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилинган кундан бошланади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Л.А. Каримова. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. – Т., 1994. – 185–191-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: А.Х. Саидов. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси – миллий истиқлол ва умумбашарий истиқбол қомуси // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. – Т., 1994. – 13-бет.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши жараёни икки ярим йилдан кўпроқ муддатни ва амалий аҳамиятга эга бўлган тўртта босқични ўз ичига олади.

**Биринчи босқич – Ўзбекистон Республикасининг рамзий белгиларини ишлаб чиқишга тайёргарлик жараёнларини ўзида қамрайди.** Хусусан, Ўзбекистон ССРнинг Давлат гимни тўғрисидаги масала ўн иккинчи чақириқ Олий Советининг 1990 йил 24–31 март кунлари бўлиб ўтган биринчи сессияси кун тартибига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди<sup>1</sup>. Бу босқичда 1990 йил 30 мартда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида»ги<sup>2</sup>, 1991 йил 15 февралда эса «Ўзбекистон давлат байроғи ва давлат герби эмблемаларини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги<sup>3</sup> парламент қарорлари қабул қилинди.

Давлат байроғи, герби ва мадҳиясини қабул қилиш юзасидан комиссия тузилди, унинг экспертлар гуруҳи тасдиқланди. Ушбу гуруҳ таркибига Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўша пайтдаги Президенти Маҳмуд Салоҳиддинов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, академиклар Аҳмадали Асқаров ва Бўрибой Аҳмедов киритилди<sup>4</sup>.

Шу билан бирга, давлат байроғи ва герби эмблемалари чизмаларига таклифларни тайёрлаш учун рассомлар, санъатшунослар Б. Жалолов, Р. Аҳмедов, Ж. Умарбеков, Н. Аҳмедова, шунингдек, Конститу-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1990 йил 24–31 март кунлари бўлиб ўтган I сессияси материаллари. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7086, – 188-бет, Сақлаш бирлиги – 7087, – 224-бет, Сақлаш бирлиги – 7086, – 224-бет, Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари. Биринчи сессия, 1990 йил 24–31 март: стенографик ҳисобот. – Т.: «Ўзбекистон», 1991. – 18-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7086, – 188-бет, Сақлаш бирлиги – 7087, – 224-бет, Сақлаш бирлиги – 7096, – 170-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. ЎзССР Олий Советининг 1991 йил 14 февраль куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари IV сессияси материаллари. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7332, – 20-бет.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари эксперт гуруҳининг таркиби // Совет Ўзбекистони. 1991 йил 14 май.

2997/2  
Заминота АҚМ



циявий комиссия аъзолари, маданият ва санъат арбоблари, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос мутахассислардан иборат Олий Кенгашнинг махсус комиссияси тузилди.

Давлат мадҳиясини қабул қилиш бўйича тузилган эксперт комиссияси сафида эса таниқли артистлар, давлат мукофоти совриндорлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари И. Акбаров, Р. Абдуллаев, С. Жалил, М. Бурхонов, У. Мусаев, Б. Умиджонов жой олди.

**Иккинчи босқич – Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларини ишлаб чиқиш бўйича танловлар ўтказиш даври.** Давлат рамзлари лойиҳалари танлови борасидаги амалий тайёргарлик ишлари 1991 йил 11 февралда бошлаб юборилган бўлса, июнь ойидаёқ давлат байроғи ва герби лойиҳасига дастлабки танлов эълон қилинди. Тегишли комиссиялар энг яхши мадҳия матни бўйича ҳам танлов эълон қилди ва бу ишга мутахассислар билан бирга кенг жамоатчилик жалб этилди.

Ўн иккинчи чақириқ Олий Советининг 1990 йил 24–31 март кунлари бўлиб ўтган биринчи сессияси мажлисида ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, депутат Ж. Ҳамидов ахборот бериб, «Ўзбекистон ССР Гимни, мадҳияси тўғрисидаги масала меҳнаткашларнинг жуда кўп хат, таклифларига биноан республика халқ депутатларининг муҳокамасига»<sup>1</sup> ҳавола этилаётганини таъкидлади. «Бу масала пайдо бўлишининг боиси нимада? Авваламбор, у ҳаётнинг мураккаб ва кескин иқтисодий, ижтимоий ва маънавий муаммоларидан, миллий онгнинг тезкорлик билан ўсиб бораётганлигидан»<sup>2</sup> келиб чиқди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7096, – 204–205-бетлар; Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари. Биринчи сессия, 1990 йил 24–31 март: стенографик ҳисобот. – Т.: «Ўзбекистон», 1991. – 402-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7096, – 204–205-бетлар; Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари. Биринчи сессия, 1990 йил 24–31 март: стенографик ҳисобот. – Т.: «Ўзбекистон», 1991. – 402–403-бетлар.

Гимн мустақил давлатимизнинг белгиси, ҳамду саноси ва айрилмас нишонасидир. Ўзбекистон ССРнинг биринчи Гимни 1947 йилда яратилган, матн муаллифи Темир Фаттоҳ, мусиқа муаллифи Мутал Бурхонов бўлган. 1978 йилда Давлат гимнининг матни қисман таҳрир қилиниб, қайтадан тасдиқланган. Тасдиқланган Гимннинг матни муаллифлари – Темир Фаттоҳ билан Туроб Тўла, мусиқаси муаллифи эса Мутал Бурхонов бўлган.

**2005 йил апрель ойида Европа Иттифоқи Конституциясининг нусхаси олтин ғилофга солиниб, Европа космик агентлигининг италиялик фазогири Роберто Виттор томонидан «Байконур» космодромидан парвоз қилган «Союз ТМА-6» кемасида фазога олиб чиқилган.**

Ж. Ҳамидов «Гимн мазмунининг янгиланиши Ўзбекистон Конституциясига киритиладиган ўзгаришлар, яъни жамиятнинг сиёсий асослари ва Коммунистик партиянинг ўрни ҳақидаги моддаларга ҳам боғлиқ»<sup>1</sup> эканини қайд этган. Бу масала Ўзбекистон Компартиясининг мафкура комиссиясида кўриб чиқилиб, Олий Советнинг тегишли комиссиялари Ўзбекистон ССР Давлат гимнининг матни ва мусиқасини яратиш борасидаги ташкилий ишларни бошлаши тавсия этилган ҳамда қуйидаги таклифлар киритилган: «Шу ишлар ниҳоясига етганда Гимннинг янги матни халқ муҳокамаси учун эълон қилинсин. Сўнгра республика Олий Советининг сессиясига киритилсин. У Ўзбекистон ССР Конституциясининг 180-моддаси асосида Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланиши керак»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7096, – 204–206-бетлар; Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари. Биринчи сессия, 1990 йил 24–31 март: стенографик ҳисобот. – Т.: «Ўзбекистон», 1991. – 403-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7096, – 204–206-бетлар; Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари. Биринчи сессия, 1990 йил 24–31 март: стенографик ҳисобот. – Т.: «Ўзбекистон», 1991. – 403-бет.

Депутатлар бу борада тақдим этилган қуйидаги қарор лойиҳасини қабул қилдилар: «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Давлат гимни тўғрисида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади: Ўзбекистон ССР Олий Советининг Маданият, фан ва халқ таълими, маданий меросни асраш, Миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари доимий комиссияларига Ўзбекистон ССР Давлат гимнининг янги матни ва музикасини тайёрлаш ишларини ташкил этиш топширилсин. Давлат гимни янги матн ва музикасининг лойиҳаси халқ муҳокамасига қўйиш учун эълон қилинсин»<sup>1</sup>.

**Учинчи босқич – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳияси лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси ташкил этилиши.** Ушбу жараёнда фуқаролар ва мутахассислар томонидан тақлиф этилган давлат байроғи ва герби эмблемаларининг вариантлари, мадҳия матни ҳамда муסיқаси матбуотда ёритилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Давлат рамзларини ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия муҳокама давомида барча вилоятлардан кўплаб мактублар, хилма-хил лойиҳалар, тақлиф ва истаклар битилган хатлар олди. Муҳокамаларда турли касб эгалари, ёшу қари фаол қатнашди. Давлат байроғи ва герби лойиҳаларини ишлаб чиқишда Б. Жалолов, Т. Комилов, С. Қурбонов, И. Сатторов, А. Сатников, Б. Нишонов каби мутахассис ва ижодкорларнинг ҳиссаси катта бўлди.

**Тўртинчи босқич – Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари бўйича танлов ва умумхалқ муҳокамаси натижаларининг Олий Кенгашда умумлаштирилиши.** Бу ўринда, авваламбор, Давлат рамзлари бўйича танлов ва умумхалқ муҳокамасининг дастлабки олти ой ичида эришилган натижалари Олий Кенгашнинг 1991 йил 31 августда иш бошлаган олтинчи сессиясида кўриб чиқилганини таъкидлаш лозим<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7096, – 204–206-бетлар; Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари. Биринчи сессия, 1990 йил 24–31 март: стенографик ҳисобот. – Т.: «Ўзбекистон», 1991. – 403–404-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган навбатдан

Лекин тақдим этилган давлат байроғи эмблемаси лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги парламент қарорини қабул қилишда қатнашган кўпчилик депутатларни қониқтирмади<sup>1</sup>.

Шу боис бу йўналишда ижодий ишлар давом эттирилди. Сессиядан кейин ҳам махсус комиссия кўриб чиққан давлат байроғи лойиҳасининг муқобил намуналари ҳаддан ташқари кўпайиб кетиб (200 дан ортиқ), бу борадаги баҳсларнинг охири кўринмайдиганга ўхшади. Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлаш топширилган парламентнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари бўйича қўмитаси раиси ўринбосари П. Қодиров бу ҳолатни Қўмита аъзоларининг демократик иш услубини соддароқ тушунганликлари билан боғлайди<sup>2</sup>.

Шунда Президент И.А. Каримов умумхалқ муҳокамаси давомида тушган тақлифларнинг асосий ғояларини мужассамлаштириб, давлат байроғидаги учта асосий рангини – мовий, оқ ва яшил йўл-йўлларни ўз қўли билан чизиб комиссияга тақдим этди. Биринчи Президентимизнинг ушбу ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини қабул қилишда асос вазифасини бажарди.

**Символ – «тўр ташлаш» деган луғавий мазмунга эга грекча сўз бўлиб, маълум бир кишилар гуруҳини бирлаштирувчи ва шартли маънога эга белги.**

Ўзбекистон Республикаси парламенти еттинчи сессиясида Ўзбекистон давлат рамзларининг вариантлари қандай тайёрланаётгани тўғрисида Конституциявий комиссия эксперт гуруҳининг раҳбари М. Сало-

ташқари VI сессияси ва 30 сентябрда бўлиб ўтган VII сессияси материаллари. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7337, – 27-бет.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари VI сессияси ва 30 сентябрда бўлиб ўтган VII сессияси материаллари. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7337, – 177-бет. П. Қодиров. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғига оид қонун лойиҳаси ҳақида маъруза // Халқ сўзи. 1991 йил 19 ноябрь.

<sup>2</sup> П. Қодиров Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг тарихий аҳамияти // Миллатлараро ҳамжиҳатлик – барқарорлик омили. – Т., 1999. – 49-бет.

хиддинов ахборот берди. Шундан кейин танловда голиб деб топилган давлат байроғи лойиҳасининг уч варианты парламент муҳокамасига қўйилди. Қизгин муҳокамалардан сўнг бу вариантларнинг иккинчиси кўпчилилик овоз билан асос сифатида қабул қилинди ва матбуотда эълон асос қилинди<sup>1</sup>.

Янги лойиҳада уч рангдан иборат байроқнинг юқоридаги мовий рангли йўлида ярим ой ва ўн икки юлдузнинг тасвири киритилди. 1991 йил 30 сентябрда давлат байроғининг эмблемаси парламент қарори билан қабул қилинди<sup>2</sup>. 1991 йил 18 ноябрда эса «**Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида**»ги қонун қабул қилинди<sup>3</sup>.

Айни вақтда сессияда Конституциявий комиссиянинг эксперт гуруҳига давлат герби эмблемаси лойиҳаларини тайёрлаш ишларини давом эттириш топширилади. Сессиядан кейин эксперт гуруҳи давлат герби лойиҳаси бўйича тақдим этилган бир қанча намуналарни ўрганиб чиқиб, улар асосида герб лойиҳасининг учта вариантини матбуотда эълон қилади<sup>4</sup>. Бунда биринчи ва иккинчи вариант асосчилари бош тасвир сифатида Ҳумо қуши тасвирини танлайди. Шунга қадар, Ҳумо қуши тасвири Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳрида мавжуд эди.

Халқ оғзаки ижодиётида **Ҳумо қуши** – давлат қуши, бахт келтирувчи қуш, олижаноблик ва фидокорлик рамзи сифатида қаралиши бу тас-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси янги давлат байроғининг рамзлари ҳақида // Халқ сўзи. 1991 йил 2 ноябрь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари VI сессияси ва 30 сентябрда бўлиб ўтган VII сессияси материаллари. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7337, – 172-бет. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори // Олий Кенгаш Ахборотномаси. 1992. 1-сон. 1-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1991 йил 18 ноябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари VIII сессияси материаллари. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7338, – 21–23-бетлар; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари дўғрами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 51-сон, 484-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат нишони қандай бўлиши керак? // Совет Ўзбекистони. 1991 йил 13 ноябрь.



**Россия Конституциясининг нусхаси илк бор – 1998–1999 йилларда «Мир» фазовий станциясида фаолият олиб борган фазогир Сергей Авдеевнинг келгусида юридик таҳсил олишга тайёргарлик билан боғлиқ илтимосига биноан «Прогресс-М-41» юк ташувчи фазовий кемасида коинотга олиб чиқилган. Ҳозирга қадар, Россия Федерациясининг Конституцияси коинотда XX асрда 149 кун, XXI асрда (ҳозирча) 180 кун сайр қилган.**

вирнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби эмблемасига туширилиши учун энг муҳим бўлди<sup>1</sup>. Лойиҳа рассоми кушнинг қаноти баланд кўтарилиб турган пайтини тасвирлаган бўлиб, ўз навбатида, бу гўёки давлат куши Ўзбекистонни ундаги тоғлар, адрлар, водийлар, боғлар билан бирга кучоқлаб тургандек кўриниш беради.

Давлат герби эмблемаси учинчи вариантнинг бош тасвири, лойиҳа асосчилари сўзи билан айтганда, миллатни гуллаб-яшнатувчи мустақиллик рамзи олтин қуёш келтираётган шер тасвирига эга эди. Бу эмблеманинг марказий қисмида мамлакат тинчлиги рамзи – мовий рангда мусулмон дунёсига мансублик рамзи ярим ой, юқори қисмида қизил рангда зарҳал тусда ёзилган «Ўзбекистон Республикаси» ёзуви ва саккиз қиррали мусамман тасвири, пастида Ўзбекистон заминида етиштириладиган неъматлар тасвирлари туширилган эди.

Дастлабки танлов эълон қилинган кундан тўққиз ой ўтгач эксперт комиссия ишлаб чиқилган Давлат герби эмблемаси лойиҳасининг асосий икки вариантини матбуотда эълон қилиб, уларни халқ муҳокамасига қўйди<sup>2</sup>. Олий Кенгашнинг 1992 йил январь ойида бўлиб ўтган тўққизинчи сессиясида Ҳумо тасвирланган лойиҳа кўпчилик овоз билан Ўзбекистон Республикаси Давлат герби учун асос қилиб олинди.

Шу билан бирга, сессия пайтида, ундан кейин келган мактубларда ҳам бу лойиҳанинг айрим нуқсонлари кўрсатилди ва уни такомиллаштириш учун аниқ тақлифлар киритилди. Натижада аввалги лойиҳадаги Ҳумо кушнинг боши эгик ҳолдаги тасвири ўзгартирилиб, Ҳумонинг

<sup>1</sup> Ҳ.С. Очиллов. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2007. – 122 бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси янги давлат тамғасининг лойиҳаси ҳақида // Совет Ўзбекистони. 1992 йил 2 апрель.

дадил кўтарилган боши ва гавҳардай порлаб турган кўзлари янги лойиҳада акс эттирилди.

Лойиҳадаги Бахт қушининг атрофи ҳувиллаган уйдаи очик қолдирилгани билан боғлиқ нуқсонни баргараф этишда Ўзбекистоннинг аввалги давлат герби тасвирларидан ва танловга келган бошқа лойиҳаларнинг айрим фазилатларидан фойдаланиш зарур деб топилди. Ўзбек давлати ва халқининг ҳаёт йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган эзгу ниятни ифодалайдиган, шунингдек, Ўзбекистондай ниҳоятда гўзал табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб турадиган куёш тасвири ва ризқ-рўзимиз бўлмиш ғалла ҳамда асосий бойлигимиз пахта тимсоли киритилди<sup>1</sup>.

Ана шу тақлифлар инобатга олинган ҳолда, 1992 йил 2 апрелда матбуотда Давлат гербининг Хумо қуши тасвирланган янги икки лойиҳаси эълон қилинди<sup>2</sup>. Дастлабки танловда иштирок этган учинчи лойиҳа элементларидан бири, яъни собитлик ва барқарорликни ифодалайдиган саккиз қиррали юлдуз – мусамман тасвири ҳам янги лойиҳаларнинг юқори қисмига туширилди. Мусамман ичига қандай тасвир бериш масаласида мунозара бўлганлиги учун ҳам, янги танловга лойиҳанинг икки варианты қўйилди. Биринчи вариантнинг иккинчи вариантдан фарқи – уларнинг бирида ой ва юлдуз тасвири туширилганида эди<sup>3</sup>.

Мазкур вариантлар матбуотда эълон қилинган, 1992 йил 2 июлда парламентнинг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлашга қадар ўтган уч ой давомида Олий Кенгашга жойлардан 543 та мактуб ва 6 та телеграмма келган. Уларнинг барчаси ўрганилганда, давлат герби эмблемасининг ой ва юлдузлик биринчи вариантга 168 минг 938 киши тарафдор экани, иккинчи вариантини эса 9 минг 642 киши қўллаб-қувватлагани маълум бўлди. Яъни, мактуб йўллаганларнинг 90 фоиздан ортиғи муҳоамага қўйилган давлат герби эмблемаси лойиҳаларининг биринчи вариантини маъқуллагани аниқланди<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Ў.С. Очиллов. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2007. – 45-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси янги давлат тамғасининг лойиҳаси ҳақида // Совет Ўзбекистони. 1992 йил 2 апрель.

<sup>3</sup> Қаранг: Халқ сўзи. 1992 йил 2 апрель.

<sup>4</sup> П. Қодиров. Ўзбекистон Республикасининг янги давлат герби ҳақида // Халқ сўзи. 1992 йил 2 май.

Парламент кўпчилик овоз билан биринчи вариантни Ўзбекистон Республикаси Давлат герби эмблемаси сифатида тасдиқлади. 1992 йил 2 июлда «**Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида**»ги **Қонун** қабул қилинди<sup>1</sup>.

Шу билан бир қаторда, давлат мадҳиясининг шеърӣ матни ва мукасибни тайёрлаш учун Олий Кенгаш депутатлари ижодкор зиёлилар билан ҳамкорликда икки ярим йил давомида иш олиб борди. Ушбу давр ичида Давлат мадҳияси шеърӣ матнининг танловида 60 дан ортиқ шоирлар, мусиқа танловида 30 га яқин композиторлар иштирок этди<sup>2</sup>.

Маълумки, ўн иккинчи чақирӣқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8–10 декабрь кунлари бўлиб ўтган ўн биринчи сессиясида мустақил давлатимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси моддама-модда муҳокама этилди ва қабул қилинди. Шу муносабат билан сўзга чиққан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Конституциявий комиссиянинг Раиси И.А. Каримов мустақилликнинг бир йили ичида мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида эришилган муҳим ютуқлар ҳақида тўхталди.

«Бир йил дегани – бир дақиқа каби қисқа фурсатдир... Бугун Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этаяпти ва бундан фахрланаяпти», деди И.А. Каримов, «Ватан, ватандошлик туйғуси эски мафкуравий қобиклардан халос бўлиб, ўзининг асл қиёфасини топди... Ўзбекистон давлати росмана куч-қудратга киради. Ўз бойлигига, ўз қурбига, ўзига хос ва ғоят мукамал ҳамда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақирӣқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1992 йил 2 июльда бўлиб ўтган X сессияси материаллари. Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 3, – 69–71-бетлар; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 124-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 51-сон, 484-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақирӣқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1992 йил 2 июльда бўлиб ўтган X сессияси материаллари. Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 3, – 400-бет; Ўн иккинчи чақирӣқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 235-бет.

буюк давлат таркибига эга бўлади... Таъкидлаш лозим бўлган яна бир жиҳат борки, бу – танлаган йўлга ишончимиз. Бу – халқнинг улуғ мақсадимизга ишонгани»<sup>1</sup>.

**Америкалик астронавтлар 1969 йилнинг 20 июлида Ойга кўнганида, ушбу сайёра сатҳида АҚШ байроғини ўрнатган. Кейинги экспедициялар давомида америкаликларнинг яна бешта давлат байроғи Ой сатҳидан жой олди.**

И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи, риштаси халқимизнинг маънавий уйғонишидадир... Ўзбек ўзлигига ишона бошлади... Ўзбекчилик – миллатчилик дегани эмас... Бизнинг олий мақсадимиз – мустақиллик эди. Бунга эришдик. **Мустақилликнинг олий мақсади – ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш.** Биз яхши англаймизки, ўз иззати ва қадрини билган инсон миллат ажратмайди. Ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади... Давлат мустақиллигига эришилгандан кейин биз ўзимизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлимизни танлаб олдик, бу эса Ўзбекистоннинг қатъий йўлидир... Авваламбор, юртимизда ўзига хос шароитларни ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий соҳага йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига эга бўлган қудратли, демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролар жамиятини мустақил равишда барпо этишга бел боғладик»<sup>1</sup>.

«Янгиланган жамиятни барпо этиш йўлида дастлабки босқичдан ўтилди»<sup>2</sup>, деди И.А. Каримов. **«Суверен давлат сифатида биз авва-**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети XI сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 7, – 9–52-бетлар; Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 9–10-бетлар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети XI сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 7, – 9–52-бетлар; Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 12–14-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети XI сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд –

ло ўз кучимизга таянишимиз керак»<sup>1</sup>. «Билиб қўйинглар, ривожланган мамлакатлар, хусусан ғарб мамлакатлари ўз келажаги учун курашаётган, келгусида буюк давлатларга айланиши мумкин бўлган Ўрта Осиё мамлакатларидан, хусусан бизнинг Ўзбекистондан кўрқади. Чунки Ўрта Осиёда, Ўрта Шарқда кучли давлатнинг пайдо бўлиши ҳам сиёсий жиҳатдан, ҳам иқтисодий жиҳатдан улар учун кўнгилсиз нарса... Қайси замонда, қайси ерда бир қудратли давлат эртага ўзи билан рақобатлаша оладиган мамлакатга ёрдам беришдан манфаатдор бўлган?.. Давлат сиёсати ниҳоятда мураккаб сиёсат. Шунинг учун биз яхши англашимиз керакки, биз билан алоқа боғлаётган давлатлар, фирмалар ва шу кабилар бизга бекорга ёрдам бермайди. Биз, энг аввало, ўз кучимизга суянишимиз керак...»<sup>2</sup>.

**«Шубҳасиз, эркини қўлга киритган ҳар бир юрт ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади»<sup>3</sup>, деди пировардида И.А. Каримов, «мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси шу эзгу мақсаднинг ҳуқуқий кафолати бўлажак»<sup>4</sup>. Шундан сўнг депутатлар модда-модда қизгин муҳокама асосида қабул қилган Ўзбекистон Рес-**

М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 7, – 9–52-бетлар; Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 20-бет.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети XI сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 7, – 9–52-бетлар; Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 21-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети XI сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 7, – 9–52-бетлар; Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 37–38-бетлар.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети XI сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 7, – 9–52-бетлар; Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 40-бет.

<sup>4</sup> Республикаси Олий Совети XI сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 7, – 9–52-бетлар; Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон

публикаси Конституциясининг 5-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга»<sup>1</sup>, деган конституциявий қоида муҳрлаб қўйилганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир<sup>2</sup>.

Ушбу сессия мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бу борада ахборот берган атоқли адиб **П. Кодиров**, жумладан, қуйидагиларни қайд этди: **«Давлат мадҳияси Ўзбекистон мустақиллигини маънавий жиҳатдан бутун жаҳон олдида тасдиқ этадиган, халқимизнинг ўзига хос миллий гурурини ифода қиладиган жуда муҳим омил ҳисобланади... Давлат байроғи ва давлат гербини тайёрлашда биз бутун ижод соҳаси, тасвирий санъат намояндалари билан иш олиб борган эдик... Бу ҳақда мен газеталардаги мақолаларда айтганман... Мана шу бизнинг изланишларимиз натижасида 3 та вариантдан иборат Давлат мадҳияси сизларнинг бугун муҳокамангизга киритилляпти. Уларни биз газеталарда... радио, телевидиениеларда эълон қилдик»<sup>3</sup>.**

тон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ён биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 41-бет.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. – 5-бет.

<sup>2</sup> Жаҳон давлатлари эмблемаларининг конституцияда тасдиқланиши, албатта, моҳият жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Биринчидан, АҚШ, Япония, Швеция, Греция каби бир қатор давлатларнинг конституцияларига давлат эмблемалари тўғрисида бирор модда киритилмаган. Иккинчидан, Россия, Беларус, Қозоғистон, Грузия сингари давлатларда давлат байроғи, герби ва мадҳияси конституция ҳамда конституциявий қонунларда мустаҳкамланган. Учинчидан, кўпгина давлатлар конституцияларида давлат эмблемаларининг тавсифи махсус модда билан тасдиқланган. Хусусан, Озарбайжон, Жазоир, Германия, Испания, Италия, Туркия, Эстония каби давлатларнинг конституциялари моддаларида – фақат байроқ; Австрия, Арманистон, Куба, Литва, Молдова, Польша сингари давлатларнинг конституциявий моддаларида эса байроқ ва гербининг тавсифи берилган. Тўртинчидан, шундай конституциялар ҳам борки, уларда давлат эмблемалари алоҳида бўлим ёки бобларда белгиланади. Мисол учун, Хитой Конституциясининг 4-бўлими, Эрон Конституциясининг 2-боби айна шу мавзуга бағишланган. Қаранг: Конституция Грузии; Конституция Қазақстана; Конституция Болгарии; Конституция Марокко; Конституция Франци; Конституция Италии; Конституция Ирана; Конституция Венгрии// Конституции мира. Том 1–7. – Т., 1997–2001.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ён иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган XI сессияси материаллари. Фонд – М-69, Описи – 1, Сақлаш бирлиги – 10, – 235–238-бетлар; Ён

1975 йилда «Аполлон» – «Союз» лойиҳаси синов парвозининг охириг босқичида «Союз» фазогирлари томонидан орбитага олиб чиқилган БМТ байроғи ҳар икки фазавий кема туташганидан сўнг «Аполлон» экипажига Ер сайёрасининг тимсоли сифатида топширилган. Парвоз якунида тарихий байроқ БМТнинг ўша пайтдаги Бош котиби Курт Вальдхаймга тақдим этилган. Ҳозирда ушбу байроқ халқаро ташкилотнинг Бош қароргоҳида сақланмоқда.

П. Қодиров Давлат мадҳияси вариантларининг магнит лентасига ёзилганини депутатларга қўйиб беришдан олдин мадҳия жанрининг умумий мазмун-моҳияти, шунингдек, давлат мадҳиясига жаҳон миқёсида қўйиладиган талаблар ҳақида тўхталди. «Давлат мадҳияси қўшиқ каби фақат миллий чолғу асбобларидагина ижро этилса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида, масалан Европа ёки Осиё мамлакатларида уни ижро этадиган чолғу асбоблари топилмай қолиши мумкин. Шунинг ҳисобга олиб, давлат мадҳиялари барча маданий мамлакатларда бор бўлган симфоник ва духовой оркестрларда хор иштирокида ижро этилади. Мусиқа шу талабларга мослаб ёзилади... «Чўли ироқ»ни, «Муножот»ни мадҳия қилсак деган тақлиф тушди. Лекин бу яхши кўрган, гўзал куйларимизни бошқа мамлакатларда ижро этиб бўлмаслигини ўзларингиз тасаввур эта оласизлар. Албатта, **Ўзбекистон Давлат мадҳиясида миллий рух, миллий жаранг бўлиши керак...** Давлат мадҳияси бизнинг халқимизга хос жозибали, миллий оҳанглари бошқа давлат халқларига ҳам етказиб берадиган умуминсоний савияда ёзилиши зарур»<sup>1</sup>, деди П. Қодиров.

Шу ўринда Ҳиндистон, Туркия, Покистон каби бир қатор давлатларда Ўзбекистон Республикаси Президентини кутиб олганларида Мутал Бурхонов ёзган мадҳия мусиқаси қандай жаранглаганини юрт-

иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 235–236-бетлар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган XI сессияси материаллари. Фонд – М-69, Описи – 1, Сақлаш бирлиги – 10, – 235–239-бетлар; Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 236-бет.

дошларимиз бевосита ёки радио-телевидение орқали кўриб-эшитгани мисол келтирилди. «Ҳар эшитганимизда дилимизда миллий туйғу уйғонганини сезганмиз, чунки шу Ўзбекистонга хос оҳанглар жуда жаранглайди»<sup>1</sup>, деб сўзида давом этди П. Қодиров. «Бундай фазилатлар биз тақдим этаётган ҳар уч мадҳияда ҳам бор. Бахтиёр Алиев мусиқаси, Абдулла Орипов шеъри; Мирпўлат Мирза шеъри, Рустам Абдуллаев мусиқаси ва Абдулла Орипов шеъри... Мутал Бурхоновнинг ҳаракатдаги мусиқаси. Ҳар учала вариантда ҳам Ватанга муҳаббат, истиқлолни улуғлаш, келажакка ишонч руҳи янграб турибди... сайловчиларимиз, жамоатчилик вакиллари турли вилоятлардан, туманлардан юборган фикр-мулоҳазаларини ҳам инобатга олганмиз. Юзлаб одамлар ўз муносабатларини билдирган»<sup>2</sup>.

Раислик қилувчи биринчи бўлиб Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов сўз берди. **Абдулла Орипов** Давлат мадҳияси шеърий матнининг ўзи ёзган икки вариантини ўқиб эшиттирди.

**Биринчиси**, кўп йиллар «Баҳор» ансамбли учун жозибали миллий куйлар ёзиб, тажриба орттирган композитор, собиқ СССР Давлат мукофоти совриндори **Бахтиёр Алиев** мусиқасига шеърий матн:

«Минг йиллар қаъридан келар карвонинг,  
 Ҳақ йўлга бошлайди одил имонинг,  
 Жаҳонда ягона Ўзбекистонсан  
 Маърифат, истеъдод бўлғай сарбонинг.  
 Оқар дарёларинг ҳайқириб оқсин,  
 Қуёшдек порлаган бахт кулиб боқсин,  
 Дўстга дўст, бағри кенг, яшнаган диёр  
 Сенга ҳам тоабат тангри бўлсин ёр.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган XI сессияси материаллари. Фонд – М-69, Описи – 1, Сақлаш бирлиги – 10, – 235–239-бетлар; Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 237-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган XI сессияси материаллари. Фонд – М-69, Описи – 1, Сақлаш бирлиги – 10, – 238–239-бетлар; Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 237-бет.



Ватанга посбондир фарзандлар хушёр,  
 Истиқлол сен учун мангу барқарор,  
 Инон ўз кучингга Ўзбекистоним  
 Кудратли аждодлар руҳи сенга ёр.  
 Оқар дарёларинг ҳайқириб оқсин  
 Куёшдек порлаган бахт кулиб боқсин,  
 Дўстга дўст, бағри кенг, яшнаган диёр  
 Сенга ҳам тоабод тангри бўлсин ёр»<sup>1</sup>.

Иккинчиси, машҳур бастакор **Мутал Бурхоновнинг** элимизга та-  
 ниш мусиқасига ёзилган мадҳия матни:

«Серқуёш, ҳур ўлкам элга бахт, нажот,  
 Сен ўзинг дўстларга йўлдош меҳрибон,  
 Яшнагай тоабод илму фан, ижод  
 Шухратинг порласин токи бор жаҳон.  
 Олтин бу водийлар, жон Ўзбекистон,  
 Аждодлар мардона руҳи сенга ёр,  
 Улуғ халқ кудрати жўш урган замон  
 Оламни маҳлиё айлаган диёр.  
 Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
 Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот,  
 Истиқлол машъали тинчлик посбони  
 Ҳақсевар Она юрт мангу бўл обод.  
 Олтин бу водийлар жон Ўзбекистон,  
 Аждодлар мардона руҳи сенга ёр,  
 Улуғ халқ кудрати жўш урган замон  
 Оламни маҳлиё айлаган диёр»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган XI сессияси материаллари. Фонд – М-69, Описи – 1, Сақлаш бирлиги – 10, – 238–239-бетлар; Ўн иккинчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 238–239-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган XI сессияси материаллари. Фонд – М-69, Описи – 1, Сақлаш бирлиги – 10, – 238–239-бетлар; Ўн иккинчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 239-бет.

Сўнгра шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби **Мирпўлат Мирзо** ўзининг таниқли бастакор, кўплаб ёш композиторлар танловларининг совриндори **Рустам Абдуллаев** мусиқасига ёзган шеърини матнини ўқиб берди:

«Уйғонар чўққилар устида офтоб,  
 Ям-яшил водийга сочиб олтин нур,  
 Ўзбеклар юрти бу – навқирон, озо  
 Заминда музаффар ўлкасан, мағрур.  
 Қўлларни қўлларга озо ватан учун берайлик.  
 Эллардан элларга ҳур диёр сифатин тарайлик  
 Сўнмас руҳимизда матонат асло  
 Туркистон наслимиз меросдир бардош,  
 Азалдан қалбларда ўчмаган зиё  
 Барҳаёт сиймолар санга бўлди бош.  
 Қўлларни қўлларга озо ватан учун берайлик,  
 Эллардан элларга ҳур диёр сифатин тарайлик.  
 Бизни тангри қўллар, дунёлар чорлар,  
 Тарк этмас истиқлол энди умрбод,  
 Қалбларда ҳаётга муҳаббат порлар,  
 Муқаддас тупроқни этурмиз обод,  
 Қўлларни қўлларга озо ватан учун берайлик  
 Эллардан элларга ҳур диёр сифатин тарайлик»<sup>1</sup>.

Шундан кейин депутатлар ҳар учала матн вариантини мусиқалари билан бирга тинглайди. Музокараларда Абдулла Орипов шеъри ва Мутал Бурхонов мусиқаси асосида яратилган Давлат мадҳиясини қабул қилиш борасида аниқ бир тўхтамга келинди. Танловда иштирок этган муқобил мадҳия вариантлари муаллифларини ҳам муносиб тақдирлаш тўғрисида келишиб олинди.

Шу муносабат билан сўз олган Президент И.А. Каримов «Ўзбекистон мустақил деганда кўп нарса етишмасди... Бугун мана шу мадҳияни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети XI сессиясининг стенографик ўйиботи. Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 7, – 240-бет; Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – 240-бет.

тинглаётганингизда чеҳрангизга қарасам, худди бошқатдан туғилгандайсиз... Ажойиб шоиримиз А. Ориповнинг мадҳиясини яхши кўраман. Бунақа одамлар юз йилда бир марта туғилади... Мана шу оҳанг, бу мусиқа ҳам ҳаммамизга қандайдир меҳрибон бўлиб қолган десак, тўғри бўлади. Болалиқдан уни ҳаммамиз эшитганмиз... Бир вақтлар раҳматли Шароф ака ҳам мана шу музикани танлаб олгани бежиз эмас. Менинг фикримча, мана шу ижрода озгина мардлик етишмайди. Кўпроқ эркаларнинг овози эшитилса яхши бўларди. Ҳозир ўрнингиздан туриб, ҳаммангиз қарсак чалганингиз, олқишлаб олганингиз – **Ўзбекистоннинг келажак мақсадига эришишининг катта белгиси, нишони»<sup>1</sup>**, деди.

Сессия якунида илк бор Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси депутатлар томонидан биргалиқда ижро этилди. Мазкур сессияда, яъни 1992 йил 10 декабрда **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонун** қабул қилинди<sup>2</sup>.

**Мадҳия – давлат рамзлари орасида халққа энг яқиндир. Агар давлат байроғи ва герби аксарият ўринларда ушбу мамлакатни танитиш белгиси сифатида намоён бўлса, миллий кўшиқ мақомидаги давлат мадҳиялари гоят муҳим тадбирларда нафақат сукунатнинг ўрнини қоплайди, балки фуқароларнинг маънавий-рухий кайфиятига ҳам юксак таъсир кўрсатади.**

Шундай қилиб, бир томондан, давлат рамзлари жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ижтимоий келишув рамзи бўлса, иккинчи томондан,

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети XI сессиясининг стенографик ўйисоти. Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 7, – 242–243-бетлар; Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т.: 1992. – 242–243-бетлар.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети XI сессиясининг стенографик ўйисоти. Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 7, – 189–191-бетлар; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 52-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 51-сон, 484-модда.

озод ва обод Ватанни бунёд қилиш гоёси атрофида бутун жамият кучларини бирлаштира оладиган қудратли қуролдир. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг яратилиши жараёни конституциявий мустақилликни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳиясини яратишда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг ўрни каттадир.

### 1.3. Давлат рамзларининг белгилари, вазифалари ва хусусиятлари

Ҳуқуқий адабиётларда давлат рамзлари тушунчасига турли мазмунда таъриф берилади. Замонавий сиёсий-ҳуқуқий луғатларнинг бирида қайд этилишича: «давлат рамзлари – давлат мустақиллигини шартли равишда белгиловчи ташқи белги, нишон ёки тимсоллардир, булар муайян давлатнинг байроғи, герби, миллий валютаси ва мадҳияси. Улар мазкур давлатнинг тузумини, халқнинг табиат-менталитетини, иқтисодий асосларини ва бошқа муҳим белгиларини англатади»<sup>1</sup>.

Иккинчи гуруҳ адабиётларда берилган таърифга кўра, давлат рамзлари – бу суверен давлатни ажратиб турувчи белгилар. Улар мустақиллик атрибутларидир. Давлат рамзлари Асосий қонунда мустаҳкамланган Давлат байроғи, Давлат герби, Давлат мадҳияси, шунингдек, давлатнинг номи, пойтахти, тили, валютаси, мукофотлари. Шунинг учун уларни янада аниқроқ қилиб «Давлат мустақиллигининг конституциявий рамзлари», деб аташ мумкин<sup>2</sup>.

Бошқа манбаларда эътироф этилишича, мустақил давлатнинг белгиларига мустақил давлатнинг ўзи таъсис этган номга эга бўлиши, Асосий қонунни мустақил равишда қабул қилганлиги, ўз ҳудудида давлат ҳокимиятини мустақил амалга ошириши, ўз давлат фуқаролигининг мавжудлиги, ўз давлат тилига эга бўлиши, ўз бюджети ва пул бирлигига эга экани, ўз давлат пойтахтига эгалиги, ўз давлат байроғи, дав-

<sup>1</sup> Давлат рамзлари // Мустақиллик: илмий-оммабоп луғат. – Т., 1998. – 45-бет.

<sup>2</sup> Б.У. Таджиханов. Государственные символы Республики Узбекистан. Лекция. – Т., 1995. – С.4.

лат герби ва давлат мадҳиясини қабул қилганлиги ва бошқа белгилар кирази<sup>1</sup>.

Шу ўринда мустақил давлат рамзларини фақат давлат эмблемалари – давлат байроғи, давлат герби ва уларнинг мусиқий муқобили бўлмиш давлат мадҳияси билан чегаралаш мумкин эмаслиги ҳақида илгари билдирган фикримизни яна бир бор таъкидламоқчимиз. Аксинча, давлат рамзларини кенг маънода – мустақил давлатнинг мазмунини ифодалайдиган шартли белгилар маъносида ҳам тушуниш лозим<sup>2</sup>.

Айни чоғда, «миллий рамз» тушунчасига ҳам изоҳ бериб ўтиш жоиз. Миллий рамз деганда, ҳар бир мамлакатнинг миллий тарихи, маданияти, анъаналари, қадриятлари, мамлакат аҳолисининг ҳурмат ва эътиқод ҳислари билан боғлиқ бўлган, унинг орзу-интилишларини ифодалайдиган, мамлакат ичкарисида умумтушунарли бўлган ва қўшимча талқинни талаб қилмайдиган, лекин мамлакат ташқарисида қисман тушунарли ёки умуман тушунарсиз тасвирлар, ранглар, белгилар ва тушунчаларни англаш даркор. Миллий рамзлар маъноси хорижлик фуқароларга маълум бўлмайди. Давлат эмблемалари тасвирларининг миллий рамз сифатидаги мазмуни халқ эпослари, афсоналар ёрдамида талқин қилинади<sup>3</sup>.

Ҳозирги кунда жаҳондаги аксарият давлатлар эмблемаларининг мазмунини ташкил қилувчи тасвирлар миллий рамзлардан иборат. Бу эмблемалар миллатнинг хусусиятлари, унинг тарихи, маданияти ва қадриятларини ифодалайдиган маъно билан бирга халқаро аҳамиятга эга гералдик маънони ҳам англатади<sup>4</sup>. Миллатни ифодалайдиган тасвир-

<sup>1</sup> Қаранг: М. Мирҳамидов. Государственный суверенитет и становление современной узбекской национальной правовой государственности. – Т., 1994. – 7–12-бетлар; Р.Қ. Қаюмов. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: 1997. – 89–92-бетлар.

<sup>2</sup> А.Х. Саидов. Давлат рамзларига ҳурмат – муқаддас бурч // Ҳуқуқ. Право. Law. 2001. 1-сон. – 11–13-бетлар; А.Х. Саидов. Давлат рамзларига ҳурмат – муқаддас бурч // Хуррият. 2001 йил 3–16 январь.

<sup>3</sup> Қаранг: В.В. Похлебкин. Словарь международной символики и эмблематики. – М., 1995. – С. 408; В.А. Соколов. Символы государственного суверенитета. – Саратов, 1969. – С.17; К. Мамаев. Флаги рассказывают. – Л., 1972. – С.11.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат рамзий белгилари тавсифининг миллий рамз сифатидаги маъноси // Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. – Т., 2001. – 37-бет.

лар гералдик шакллардан иборат бўлиб, ундаги тасвирлар халқаро тан олинган маънода талқин қилинишини таъкидлаш лозим. Албатта, гералдик шакл деганда, халқаро тан олинган ва умумтушунарли бўлган умумбашарий қадриятларни ифодалайдиган тасвир, белги ва тушунчалар назарда тутилади.

Ўз навбатида, давлат эмблемасининг тавсифи – бу давлат эмблемаси мазмунининг юридик ҳужжат матнида махсус терминология ва тил воситасида ифодаланишидир<sup>1</sup>. Давлат рамзларининг давлат суверенитети рамзлари эканлигидан келиб чиқадиган қуйидаги белгиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Биринчи белги.** Давлат рамзлари давлат суверенитетининг, яъни олий сиёсий ироданинг шартли белгиларини ташкил қилар экан, улар маълум бир ҳудудда олий ирода эгаси бўлган халқ билан бирга таъсис этилади. «Суверенитет умумий иродани амалга ошириш бўлиб, ҳеч қачон бегоналашмайди ва суверен коллектив мавжудот бўлиб, – деб ёзган Ж. Руссо, – халқнинг ўзига тегашли. «Ҳокимият берилиши мумкин, лекин олий ирода эмас».<sup>2</sup> Шунинг учун суверенитет ва унинг рамзлари ҳуқуқий моҳияти жиҳатидан абадийдир.

Давлат суверенитети шакли, яъни олий ҳуқуқий ирода ўзгаришига қараб, маълум даврдаги давлат ҳокимияти томонидан ўрнатиладиган давлат рамзлари шакли ҳам ўзгартирилиши мумкин. Масалан, давлат номи шакли, давлат ҳудуди шакли, давлат бошлиғи лавозими шакли, давлат байроғи ёки герби шакли ва бошқалар ўзгарувчан, лекин давлат суверенитети мазмуни каби унинг рамзлари моҳиятан ўзгармасдир. Давлат суверенитети каби давлат рамзлари ҳам фақат олий иродага эга бўлган халқ ва унинг ҳокимияти ўз аҳамиятини йўқотгандагина ўзгариши мумкин. Агар халқ ўз иродасининг олийлиги мақомидан маҳрум бўлса, давлат суверенитети тугайди, давлат рамзлари ҳам ўз моҳиятидан маҳрум бўлади. Халқ иродаси олийлиги мақомининг тикланиши эса давлат суверенитети ва унинг рамзлари тикланишига олиб келади.

**Иккинчи белги.** Бир жамиятда фақат бир олий ирода бўлиши мумкин. Иккинчи олий ироданинг пайдо бўлиши давлат суверенитети йўқол-

<sup>1</sup> Ў.С. Очилов. Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари. – Т., 2007. – 57-бет.

<sup>2</sup> Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре // Трактаты. – М., 1969. – С. 168.

Малайзиянинг давлат мадҳияси энг олатасир пайтда яратилган. Гап шундаки, мамлакат раҳбари Султон Перак 1888 йилда Буюк Британия Қироличаси Елизавета таклифи билан ушбу мамлакатга ташриф буюрганида, юксак мартабали зотнинг ёрдамчисидан мамлакат ва халқи шарафига Султонни қайси мусиқа садолари остида кутиб олиш кераклигини сўрайдилар. Ушанда Султоннинг вакили мамлакатда ҳали давлат мадҳияси мавжуд эмаслигини тан олгиси келмай, Сейшел оролларида машҳур бўлган ва малайзияликлар севиб куйлайдиган бир таъсирчан навони айтади. Алқисса, Малайзия Федерацияси 1957 йилда ўз мустақиллигини эълон қилганда, ана шу куй янги давлат мадҳиясининг оҳанги сифатида қабул қилинган ва унга «Негараку», яъни «Менинг юртим» деган ном берилган.

ганлигини билдиради. «Ирода ёки умумий бўлади, ёки умумий бўлмайди, у ёки бутун халқ иродаси, ёки унинг фақат бир қисми иродаси бўлади»<sup>1</sup>. Шу билан боғлиқ равишда суверенитет мазмунини белгилайдиган рамзлар ҳам фақат бир олий иродани ифодалаш мумкин. Яъни, суверенитет рамзлари олий иродани ифодалаш вазифасини монополия қилади. Бир давлат ҳудудида икки олий ирода эгасини ифодаладиган рамзлар мавжуд бўлолмайди, уларнинг фақат бири олий ирода субъектини ифодаладиган рамзлар бўлиши, иккинчиси эса олий ирода субъектидан куйи мақомда турувчи ташкилотни, масалан, давлатнинг маъмурий-ҳудудий бирликларини ифодалаш мумкин.

Жамиятда олий сиёсий ирода субъекти мақомига эга халқ иродаси ягона ва бўлинмасдир. Демак, уни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган давлат ҳокимияти ҳам битта, ягона ва бўлинмасдир. Давлат ҳокимияти бўлинмайди ҳам, тақсимланмайди ҳам. Агар давлат ҳокимияти бўлинганда ёки тақсимланганда эди, биз амалда бир-биридан мустақил уч олий ирода ва уни амалга оширувчи бир-биридан мустақил уч давлат ҳокимияти тўғрисида гапиришимизга тўғри келарди. Шундай қилганимизда, биз ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилини давлат суверенитети мазмунига қарши қўйган бўлар эдик. Бу ерда гап

<sup>1</sup> Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре // Трактаты. – М., 1969. – С. 168.

ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилининг мазмуни ҳақида бормаяпти, балки бу мазмунни тўғри ифодалаш шакли ҳақида боряпти.

Фикримизча, ҳокимиятлар тақсимланиши тамойили мазмунини давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши ёки тақсимланиши кўринишида эмас, балки давлат ҳокимияти ваколатларининг ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари ўртасида бўлиниши ёки тақсимланиши кўринишида ифодалаш мақсадга мувофиқ. Давлат ҳокимияти органларининг бу уч тармоғи ягона олий сиёсий иродани ягона давлат ҳокимияти таркибидан уларга берилган ваколатлар орқали амалга оширади.

Ҳокимиятнинг уч тури ёки тармоғи бўлмайди, балки давлат ҳокимияти ваколатларининг уч тури ва уларни амалга оширувчи давлат ҳокимияти органларининг уч тармоғи бўлади. Худди шундай, ҳокимиятларнинг ўзаро тенглиги ва бир-биридан тўла мустақиллиги тўғрисидаги ифода ўрнида давлат ҳокимияти органлари уч тармоғининг ўзаро тенглиги ва тўла мустақиллиги, ҳокимиятларнинг бир-бирини тийиши ва қарама-қарши таъсир этиш тизими кўринишидаги ифода ўрнида давлат ҳокимияти органлари уч тармоғининг давлат ҳокимияти ваколатларини узурпация қилишдан ўзаро бир-бирини тийиб туриши ва қарама-қарши таъсир этиш тизими таъсир этиш ифода ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ваколатларини амалга ошириш давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг, яъни объектив-ижтимоий иродани ижобий ҳуқуққа айлантириш жараёнининг таркибий қисмларидир. Давлат ҳокимияти ваколатларини амалга оширувчи давлат ҳокимияти органлари уч тармоғининг ягона ва бўлинмас давлат ҳокимиятига тааллуқлилиги ва ягона олий сиёсий иродани ижобий ҳуқуққа айлантириш ҳуқуқи давлат рамзлари воситасида ифодаланadi. Давлат рамзлари, шу асосда, қонуннинг олийлиги ва давлат ҳокимиятини амалга оширувчи органлар уч тармоғининг уларга тегишли давлат ҳокимияти ваколатлари ҳажми жиҳатидан ўзаро тенглигини ифода-лаб туради.

**Учинчи белги.** Жамият турли қисмлар, тоифалар, гуруҳлардан иборат бўлади. Ҳар бир жамият қисми, тоифа ва гуруҳларининг бошқаларидан фарқ қиладиган иродаси бўлади. Лекин бутун жамият иродаси, унинг алоҳида бир қисми иродасидан устун бўлади. Давлат рамзлари



халқ ва давлатнинг ана шу мақомини фуқароларнинг бошқа ташкилотлари мақомидан устуворлигини ифодалаб туради.

Давлат ижтимоий келишув, зиддиятларни юмшатиш ва олдини олиш дастагидир. Шу йўлда турли тоифа, қатлам, миллий, маданий, касб гуруҳларига бўлинган жамиятни бирлаштирувчи белги давлат рамзларидир. Давлат рамзлари жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун унга аъзолик белгисидир. Давлат рамзлари давлат ҳудудидаги устувор рамзлар сифатида давлат ҳокимиятининг суверенитети остидаги субъект ва объектларни кўрсатиб туради. Давлат ҳудудида яшовчи фуқаролар ҳамда ҳудудни ташкил қилувчи маъмурий-ҳудудий бўлинмаларнинг бирлашуви ва муҳофаза қилиниши давлат рамзлари воситасида махсус усулда ифодаланади.

**Тўртинчи белги.** Давлат суверенитетини ва унинг рамзларини таъсис этган давлат ўз рамзларининг шаклини ишлаб чиқади ва ҳуқуқий мустаҳкамлайди. Давлат томонидан тан олинган ва ҳуқуқий тасдиқланган рамзларгина давлат рамзлари бўла олади. Давлат рамзларининг шакллари давлат томонидан ўрнатилади ва ҳар қандай тажовуздан қўриқланади. Давлат рамзлари мақомини мустаҳкамлаган ҳуқуқий меъёрлар давлат ҳокимияти иродасини ифодалайди ва давлатнинг мажбурлаш кучи билан таъминланади. Давлат рамзлари давлат ҳокимияти томонидан жамиятда устувор бўлган рамзлар сифатида олий юридик кучга эга бўлган меъёрлар: Конституция ва конституциявий қонунлар, конституциявий одат қоидалари билан мустаҳкамланади.

Давлат рамзлари давлат ҳокимияти томонидан давлат суверенитети атрибутлари сифатида таъсис этилгандагина ўз вазифасини бажаради. Бошқа томондан, давлат ўзининг зарурий атрибутларини таъсис этиш орқали мустақил давлат мақомини ола билади. Бу алоқадорлик давлат билан давлат рамзларининг ҳуқуқ сингари бир вақтда пайдо бўлишини ва бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмаслигини кўрсатади.

Давлат рамзлари умумий ирода асосида давлат томонидан расмий тан олинган ва фойдаланиш тартиби қонун билан белгиланган рамзлардир.

Давлат рамзларининг қатор бошқа белгиларини ҳам санаб ўтиш мумкин:

– давлат рамзлари устувор иродани ифодалайди ва жамиятдаги бошқа рамзлардан устуворлиги таъминланади;

– давлат рамзлари маълум бир суверен давлатга тааллуқли бўлади, давлат томонидан таъсис этилади, мустақамланади ва қўриқланади;

– давлат рамзларининг ортида давлат ҳокимияти туради ва керак бўлган тақдирда давлат рамзлари мақомини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрларга риоя этишга мажбур қила олади;

– фуқароларнинг у ёки бу ташкилотларини ифодалайдиган рамзларидан фарқ қилиб, давлат рамзлари давлатнинг бутун ҳудудида умуммажбурий қўлланилиш тартибига эга;

– давлат рамзлари давлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар, фуқаролар ва давлат ўртасидаги муносабатларни маъновий-қўринишли тартибга солувчи воситалардир.

Давлат рамзларининг ижтимоий вазифаси, умумий хосса ва белгилари улардан фойдаланишнинг умумий йўналишларини, давлат рамзлари вазифаларини аниқлашга ёрдам беради. Давлат рамзлари вазифалари давлат рамзлари хоссаларининг улардан фойдаланганда намоён бўлишидир. Сиёсатшунослар давлат рамзларининг номинатив, ахборот етказиш, коммуникатив, ривожлантирувчи, инсон тафаккурининг иррационал қатламларига таъсир ўтказиш, умумийликни белгилаш ва инсон онгига мафқуравий таъсир кўрсатиш вазифаларини асосий вазифалар деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Давлат рамзлари турли-туман ва кўп сонли хоссаларга эга бўлиши мумкин. Лекин давлат рамзларининг ижтимоий вазифасидан келиб чиқадиган, яъни давлат ҳудудида олий иродага эга субъект мақоми тўғрисида ахборот етказиш жараёнида намоён бўладиган хосса ва белгилари давлат рамзларининг асосий вазифаларини аниқлашда муҳим саналади, деб ҳисоблаймиз. Шу асосда давлат рамзларининг асосий вазифаларини қуйидагича белгилаш таклиф қилинади.

**Биринчи вазифа** – давлат рамзлари давлат ҳудудида олий ирода субъекти мақоми тўғрисидаги ахборотни маъновий-қўринишли ифодалаш вазифасини бажаради.

<sup>1</sup> Мисюров Д.А. Политика и символы. – М., 1999. – С. 9–10; Попов В.А. Символы власти и власть символов. – М., 1996. – С. 12.

**Иккинчи вазифа** – давлат рамзлари давлат суверенитети мазмунини умумлаштириш вазифасини бажаради. Давлат рамзлари давлат фаолиятининг олий иродадан келиб чиққанлиги ва унга тааллуқлилигини ҳуқуқий мустаҳкамланган тартибда ифодалайди.

**Учинчи вазифа** – давлат рамзлари давлат суверенитети тўғрисидаги тарқоқ ахборотни умумлаштирилган ва тартибга солинган ҳолда етказиш вазифасини бажаради. Давлат рамзлари олий иродани амалга ошириш механизм-жараёнларининг таркибий қисмларининг тартибга солинган ҳолатда идрок қилинишини таъминлайди.

**Тўртинчи вазифа** – давлат рамзлари давлат суверенитети остидаги субъект ва объектларни ажратиш турувчи ташқи белгилар вазифасини бажаради. Давлат рамзлари олий иродага эга субъектнинг ва олий иродани амалга ошириш механизми таркибий қисмларининг бошқа ижтимоий бирликлар иродасидан ажралиб туришини ҳуқуқий мустаҳкамланган тартибда ифодалаб туради.

**Бешинчи вазифа** – давлат рамзлари фуқароларни жамиятнинг умумий иродасига ҳурмат руҳида тарбиялаш вазифасини бажаради.

Давлат рамзлари давлат мазмунининг аниқ маъновий-кўринишли белгиларда конкретлашиши (муайянлашиши), яъни жамиятда олий иродага эга субъект мақомининг муайян давлат суверенитети институтлари шаклларида ифодаланишидир. Давлат рамзларининг алоҳида шаклларида мустақил давлат мазмунининг фақат маълум бир томони ифодаланиши мумкин, давлат суверенитети мазмуни тўлалигича ифодаланиши учун давлат суверенитети рамзларининг ягона умумийликка бирлашган тизими амал қилиб туради.

Давлат рамзи деганда фақат бир шартли белгини, давлат рамзлари деганда давлат мазмунини ифодалайдиган бутун бир шартли белгилар тизимини тушуниш керак. Давлат рамзларини мустақил давлатни ифодалаш вазифаси бирлаштиради. Уларнинг мазмуни ва шакли, олий ирода субъекти мақоми тўғрисидаги ахборот етказилишини таъминловчи воситалар сифатида вазифалари уйғун, бирини иккинчисидан ажратиш мумкин бўлмаган бутун бир рамзлар тизимини ташкил қилади. Бу тизим таркибий қисмларини қуйидагича белгилаш мумкин.

1. **Давлат номи** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган олий этнонимик ва топонимик ном институти шаклидаги давлат рамзи.

2. **Давлатнинг асосий қонуни ва қонунлар тўплами** – олий ирода субъекти мақомини устувор меъёрлар сифатида ифодалайдиган олий юридик ҳужжатлар институти шаклидаги давлат рамзи.

3. **Давлат ҳудуди** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган жойни ташкил этган ҳудуд институти шаклидаги давлат рамзи.

4. **Давлат бошлиғи** – олий ирода субъекти мақомини олий иродани ифодалайдиган олий мансабдор шахс лавозими (монарх, президент) институти шаклидаги давлат рамзи.

5. **Давлат пойтахти** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган сиёсий марказ – пойтахт-шаҳар институти шаклидаги давлат рамзи.

6. **Давлат тили** – олий ирода субъекти мақомининг расмий аталар йиғиндисини ташкил қилган тил институти шаклидаги давлат рамзи.

7. **Давлат фуқаролиғи** – олий ирода субъекти мақомини, унинг аъзолари, бутун жамият, халқни ифодалайдиган фуқаро институти шаклидаги давлат рамзи.

8. **Давлат пули** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган қиймат белгилари мажмуи – миллий валюта институти шаклидаги давлат рамзи.

9. **Давлатнинг миллий байрамлари** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган расмий маросим – умумхалқ байрами институти шаклидаги давлат рамзи.

10. **Давлат мукофотлари ва унвонлари** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган, унга хизмат қилишга кўшилган салмоқли ҳиссани ажратиб турадиган ажратиб турувчи белгилар институти шаклидаги давлат рамзи.

11. **Давлатнинг расмий рамзлари** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган махсус рамзий белги мазмунига эга давлатнинг расмий рамзлари (демакки Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳияси) институти шаклидаги давлат рамзи.

Алоҳида олинган бир шартли белги олий ирода субъекти мақомининг маълум жиҳатини ифодалаш мумкин, давлат рамзлари тизими эса унинг барча жиҳатлари тўғрисидаги ахборотни қамраб олади. Бунда давлат рамзлари тизимининг таркибий қисмларидан бири бўлмаса, бу ташкилотнинг олий ирода субъекти мақомига эга эканлиги шуб-

ҳа туғдиради. Мустақил давлатни ушбу шартли белгиларсиз тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас.

Шундай қилиб, кенг маънода давлат рамзлари деганда – давлат ҳудудидаги олий ирода тўғрисида умумий ахборотни инсон онги учун ҳиссий-образли ва маъновий-кўринишли шаклда етказадиган, мустақил давлат билан бирга унинг институт-атрибутилари сифатида таъсис этиладиган, умумлаштирувчи, тартибга солувчи ва ажратиб турувчи шартли белгилар тизимини тушуниш мумкин. Шунингдек, давлат рамзлари фуқароларни суверенитетга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Давлат суверенитетини ифодалайдиган шартли белгилар тизимида давлатнинг расмий рамзлари – рамзий белгилар алоҳида ўрин тутати. Рамзий белгилар давлат суверенитети институт-атрибутиларининг тасвирий-образлилигини махсус кўргазмали усулда таъминлайди. Шунинг учун давлат рамзий белгиларини суверенитетни ифодалайдиган институт-атрибутилардан ажратиб бўлмайди. Давлат рамзлари тушунчасини расмий маънода таърифлаганда, уларни Конституцияда мустақамланган давлатнинг расмий рамзлари, рамзий белгилар – Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳияси сифатида тушуниш лозим.

**Марказий Осиёда илк мадҳиялар тахминан уч минг йил муқаддам ўқий бошланган.**

Расмий рамзларнинг давлат суверенитетини ифодалайдиган шартли белгилар тизимида кирувчи институт-атрибутилардан ажратиб турадиган алоҳида рамзий белги хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Биринчидан**, давлатнинг рамзий белгилари олий ирода субъектини ифодалашнинг идрок қилиниши қулай бўлган қонун билан тасдиқланган тасвирий воситалардан иборат махсус шаклидир. Рамзий белгилар давлат ва жамият иродаси, мақсади ва интилишлари тўғрисидаги умумий ахборотни умумтушунарли тасвирлар воситасида етказди. Рамзий белги тузилишини ташкил этган ҳар бир тасвирий-образли элемент ўзининг маъносига эга, бу маъноларнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган умумий мазмун халқ ва давлат ҳокимияти иродасини ўқишга имкон беради.

**Иккинчидан**, давлатнинг рамзий белгилари халқаро амалиётдан келиб чиқадиган ва миллий қонунчилик билан тасдиқланган тасвирлардан иборат давлат эмблемалари (байроқ ва герб), уларнинг мусиқавий эквиваленти (давлат мадҳияси), шунингдек, алоҳида шакллари-дан (давлат бошлиғининг рамзий байроғи – стандарти, давлат муҳри ва консуллик қалқонидан) иборат. Бу шакллар жамиятдаги олий ирода эгасини ифодалаш билан боғлиқ вазифаларни бажариш мақсадида қонунда белгиланган тартибда яратилган.

**Учинчидан**, давлатнинг рамзий белгилари тавсифи Конституция ва махсус қонунлар билан тасдиқланади. Рамзий белгилар тавсифи – бу рамзий белги мазмунининг қонунда тасдиқланган ва махсус терминология асосида ишлаб чиқилган матн кўринишидир. Рамзий белги тавсифини қонун билан тасдиқлаш, улар мазмунини ҳуқуқий мустақамлашдан иборат рамзий белгиларни яратиш жараёнининг муҳим таркибий қисмидир.

**Тўртинчидан**, давлатнинг рамзий белгилари ва улар тавсифини яратиш муносабатлари ҳуқуқий тартибга солинади. Давлатнинг рамзий белгиларини яратиш жараёни қонун ижодкорлиги фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, ваколатли давлат органининг рамзий белгиларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратилган аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятидир. Рамзий белгилар мазмунида давлат иродаси ўз ифодасини топади. Шунинг учун рамзий белги ва унинг тавсифи тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқиш махсус юридик техникани талаб қилади. Лекин бу юридик техникани қонунчилик техникаси билан аравлаштириб юбориш ярамайди.

Рамзий белги халқ ва давлат ҳокимияти иродасининг нима қилиш мумкин ва нима қилиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулқ-атвор қоидалари мазмунидаги ифодаси эмас, балки унинг чизилган тасвирлар ва куйланган образлардаги ифодаси бўлиб, у кузатувчига халқ ва давлат ҳокимияти иродаси ва мақсадлари ҳақида умумий ахборот беради. Шунинг учун ҳам рамзий белги тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқиш усули меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқиш усулидан ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради.

\* **Бешинчидан**, давлатнинг рамзий белгиларидан фойдаланиш муносабатлари ҳуқуқий тартибга солинади. Рамзий белгилардан олий

иродани амалга ошириш жараёнларини расмий ифодалаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда ва жойларда фойдаланилади ҳамда рамзий белгилар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича жавобгар субъектларнинг ваколатлари белгиланади.

**Олтинчидан**, рамзий белги таркибини ташкил этган тасвирлар халқнинг миллий-тарихий қадриятлари ҳисобланиб, одамларга яқин туради ва умумтушунарли бўлади. Ана шундай тасвирлар мазмуни орқали халқ ва давлат ҳокимияти иродаси ва мақсадларининг ифодаланиши фуқароларда бу ирода-мақсадларга нисбатан ҳурмат ва эътиқод руҳини шакллантиришга хизмат қилади. Рамзий белгилар ягона мақсад йўлида бутун халқни жиқслаштириш, обод ва озод Ватан, фаровон жамият қуриш учун бутун халқни ортидан эргаштириш каби инсон онига мафкуравий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга.

Давлат рамзий белгиларининг юқорида санаб ўтилган хусусиятларини умумлаштириб, расмий маънода давлат рамзларини қуйидагича таърифлаш мумкин: Давлат байроғи, герби ва мадҳияси давлат суверенитети мазмунини ифодалайдиган давлатнинг расмий рамзлари бўлиб, улар барқарор, ҳуқуқий тасдиқланган тавсиф, қонун билан белгиланган яратилиш ва фойдаланиш тартибига эга. Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳияси миллий ва тарихий қадриятларга айланган тасвирий образлардан тузилган бўлиб, мазмунида мустақил давлат ва жамиятнинг иродаси, мақсади ва интилишлари тўғрисида умумий ахборот сақланади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ў.С. Очилов. Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари. – Т., 2007. – 21–28-бетлар.

**ИККИНЧИ БОБ.**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ –**  
**ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИНГ ТИМСОЛИ**  
**ТАРИХИ**

**2.1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи –**  
**давлат суверенитетининг рамзи**

**«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун 1991 йил 18 ноябрда<sup>1</sup> қабул қилинган бўлиб (ушбу китобнинг 1-иловасига қаранг), ўтган даврда ушбу Қонунга уч марта – 1999<sup>2</sup>, 2004<sup>3</sup> ва 2010<sup>4</sup> йилларда ўзгартиришлар киритилган. Қонуннинг 1-моддаси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг схематик ва рангли тасвири тасдиқланган (ушбу китобнинг 2-иловасига қаранг).**

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади.**

Геральдика, яъни гербшунослик соҳаси қоидалари қонун чиқарувчилар томонидан рамзий белгиларни яратиш, уларга ўзгартиришлар киритиш, улар тавсифини мустаҳкамлашда махсус ҳуқуқий-техникавий усул вазифасини бажаради. Ушбу усулнинг таркибий қисми сифатида давлат рамзий белгилари тавсифини улар шаклига мувофиқ ишлаб чиқиш қоидалари ҳам юзага келди. Давлат эмблемасининг тавсифи – бу давлат эмблемаси мазмунининг юридик ҳужжат матнида махсус терминология ва тил воситасида ифодаланишидир.

Шу ўринда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида келтирилган қуйидаги тавсифга мурожаат этамиз:

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 27-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 124-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 484-модда.



«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи – байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенлиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенлиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳошиялар ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Оқ рангли янги ой ва ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 75х30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Оқ рангли янги ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдуз диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар янги ойнинг пастки учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади»<sup>1</sup>.

Давлат рамзлари, хусусан, Давлат байроғи жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ижтимоий келишув рамзидир. Давлат байроғи озод ва обод Ватанни бунёд қилиш ғояси атрофида бутун жамият кучларини бирлаштира оладиган қудратли қуролдир. Шу нуқтаи назардан, «Давлат байроғи қаерларда кўтарилади?», деган савол туғилиши табиий. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 51-сон, 484-модда.

**Биринчидан**, доимий равишда: Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳларининг;

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;
3. Республика давлат бошқаруви органларининг;
4. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг;
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг;
6. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;
8. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар

Кенгашининг;

9. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг;
10. Судларнинг;
11. Прокуратура органларининг биноларида;

**Иккинчидан**, доимий равишда:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг;

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг;

4. Республика давлат бошқаруви органларининг;
5. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг;
6. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг;
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг;
8. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;
10. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар

Кенгашининг;

11. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мажлислар залларида;

**Учинчидан**, доимий равишда:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг;

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг;

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг;
4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг;

5. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисларининг;

6. Республика давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг;

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг;

8. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг;

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг;

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг;

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг;

12. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раисларининг;

13. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг;

14. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бошлиқларининг хизмат хоналарида;

**Тўртинчидан**, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган **байрам кунларида** – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорлари билан белгиланган марказий кўчаларда, майдонларда, бошқа жамоат жойларида ва объектларда;

**Бешинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари сайлови ёки референдум кунларида – **овоз бериш ўтказилаётган бинолар ва хоналарда**;

**Олтинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари биноларида ёки ҳудудларида ва **транспорт воситаларида** – халқаро ҳуқуқ меъёрларига, дипломатик протокол қоидаларига ҳамда ваколатхоналар ва муассасалар жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ;

**Еттинчидан**, **хорижий давлатлар** давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, бошқа расмий делегацияларнинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига, дипломатик протокол қоидаларига, шунингдек Ўзбекистон Республи-

касида бўлишининг тасдиқланган дастурига мувофиқ транспорт воситаларида, вокзалларда, аэропортларда, юриш йўналиши бўйича ва бошқа ташриф объектларида;

**Саккизинчидан**, расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг **Президенти**, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг **Спикери**, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **Сенатининг Раиси**, Ўзбекистон Республикасининг **Бош вазири**, Ўзбекистон Республикасининг бошқа **расмий делегациялари раҳбарлари**, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик **ваколатхоналари**, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бошлиқлари тушган чет элдаги денгиз ва дарё кемаларида, бошқа **транспорт воситаларида**;

**Тўққизинчидан**, Ўзбекистон Республикаси кемалар қатнови инспекциясининг кемалар реестрида рўйхатга олинган денгиз ва дарё кемаларида;

**Ўнинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий бирлашмаларида, кўшилмаларида ва қисмларида, шунингдек, бошқа ҳарбий тузилмаларида – **Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий уставларига мувофиқ**;

**Ўн биринчидан**, доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг **Давлат чегарасидан ўтиш пунктларида**;

**Ўн иккинчидан**, **спорт майдонларида** – Ўзбекистон Республикаси чемпионатларини, миллий терма жамоалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларининг вакиллари бўлган **ғолибларини мукофотлаш маросимларини** ўтказиш вақтида кўтарилади.

**Ўн учинчидан**, **Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи унга нисбатан лозим даражадаги ҳурмат таъминланган ҳолда умуммиллий байрамлар ва тантанали тадбирлар вақтида кўтарилиши мумкин.**

Бугунги кунда ҳуқуқий адабиётларда давлат рамзлари, давлатнинг рамзий белгилари, давлат суверенитети рамзлари, рамзий ифода, рамзий белги, давлат эмблемаси ва бошқа кўплаб тушунчалардан фойдаланилади. Шу жумладан, 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳуж-

жатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун<sup>1</sup> асосида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонунга янги, 5<sup>1</sup>-модда киритилиб, унда **«Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилар»** ибораси қўлланилган.

Қонуннинг 5<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари реестрига киритилган ҳаво кемаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти ҳисобида турувчи экспериментал ҳаво кемаларига;

2. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автоматотранспорт воситалари ва улар тиркамаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгиларига;

3. Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига қўйлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметларда, ўқув-тарбия жараёнида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин<sup>2</sup>.

Яна бир янги меъёр, яъни 5<sup>2</sup>-моддада давлат рамзлари билан нодавлат нотижорат ва тижорат ташкилотларининг рамзлари ўртасида фарқ бўлиши зарурлиги қуйидаги меъёрлар билан тартибга солинган:

**«Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди.** Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки **реализация** қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун **тижорат мақсадларида фойда-**

<sup>1</sup> Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 25 декабр сонидан эълон қилинган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 51-сон, 484-модда.

**ланиш мумкин эмас.** Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг **Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мумкин эмас**<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун 5-моддасининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда **соат 6 да** кўтарилади ва **соат 22 да** тушириб қўйилади. Ушбу Қонун 5-моддасининг 5-бандида назарда тутилган ҳолларда **овоз бериш ёки референдум ўтказиш даврида** кўтариб қўйилади.

Ушбу Қонун 5-моддасининг 7-бандида назарда тутилган ҳолларда хорижий давлатлар давлат ва **ҳукумат бошлиқларининг**, бошқа расмий делегацияларнинг ташриф буюришидан **24 соат олдин кўтарилади** ва улар жўнаб кетганидан кейин **24 соат мобайнида** тушириб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда **Қорақалпоғистон Республикасининг** Давлат байроғи кўтарилганда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг олд томони-га қараб турганда) **чап томондан кўтарилиши керак.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилганда, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғининг ўлчами Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ўлчамидан катта бўлмаслиги керак, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиш баландлиги эса Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиш баландлигидан паст бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда хорижий давлатлар ва (ёки) халқаро ташкилотлар байроқлари кўтарилганда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро ҳуқуқ меъёрларига ва дипломатик протокол қоидаларига мувофиқ кўтарилади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи хорижий давлатлар ва (ёки) халқаро ташкилотлар байроқлари билан бир хил баландликда жойлаштирилиши ҳамда бир хил ўлчамга эга бўлиши керак.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 51-сон, 484-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи **биноларнинг асосий кириш жойида** ёки бунинг учун мақбул бўлган бошқа жойда, ёхуд тегишли тутқичи бўлган дастада, ё бўлмаса флагштокда байроқнинг дастаси бинонинг олд томони билан кўпи билан **45 градусли бурчак** ҳосил қиладиган тарзда кўтарилади. Кўтариб қўйилган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг матоси ер сатҳидан камида **2,5 метр** баландликда бўлиши керак.

Маълумки, кишининг вафоти муносабати билан марҳумнинг иззат-ҳурмати учун маълум муддат аза тutilади ва марҳум хотирасини ёд этиб турли маросимлар ўтказилади. Мотам маросимлари барча халқларда мавжуд, у географик шароит, ижтимоий-иқтисодий тузум, кишиларнинг илмий, диний тасаввурлари ва бошқа омиллар таъсирида ўзгариб борган. Мотам маросимлари одатда марҳум вафотининг маълум кунларида, фасл мавсумларида ҳамда диний байрамларда ўтказиладиган маросимларга бўлинади.

Мотам маросимларида марҳумнинг арвоғи ёд этилган, арвоғни шод этиш учун турли расм-руслар бажо келтирилган. Шу билан бирга, мотам давлат ва жамият ҳаётидаги қандайдир катта жудолик, умуммиллий фалокат билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Аксарият давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигида бундай пайтда ўтказиладиган расмий мотам маросимларига доир муайян тартиб-таомиллар кўзда тutilган.

Хусусан, мотам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси **Президентининг Фармони**га мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг **Давлат байроғи мотамга мослаб кўтарилади**. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи дастаси ёки флагштокнинг юқори учига байроқ энининг **1/20 қисмига тенг** бўлган кенгликдаги қора тасма боғланади, **тасманинг икки учи байроқнинг бутун эни узунлигида** осилиб туради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мотам муносабати билан флагштокда кўтарилган тақдирда у флагшток узунлигининг **1/3 бўлагича тушириб қўйилади**.

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ва унинг тасвири **катта-кичиклигидан қатъи назар**, ҳамма вақт «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги **Қонунга илова қилинган рангли ва схематик** тасвирига аниқ мос бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бу ҳақда сўз борганда, Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 30 декабрдаги 316-сон қарори билан «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби»<sup>1</sup> тасдиқланган (*ушбу китобнинг 3-иловасига қаранг*).

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади. Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Бу борадаги жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодексида белгилаб қўйилган.

Хусусан, 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун<sup>2</sup> асосида **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган «Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» деб номланган 2031-моддага мувофиқ:**

«Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, – фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч барава-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби // Қаранг: [http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=1030954](http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=1030954).

<sup>2</sup> Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 25 декабр сонисида эълон қилинган.



ригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, – Фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади» (ушбу китобнинг 9-иловасига қаранг).

Ўз навбатида, **Жиноят кодексининг «Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш» номли 215-моддасида:** «Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади», деган норма мустаҳкамлаб қўйилган (ушбу китобнинг 10-иловасига қаранг).

## 2.2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби – давлат мустақиллигининг рамзи

**«Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонун** 1992 йил 2 июлда<sup>1</sup> қабул қилинган (ушбу китобнинг 4-иловасига қаранг). Ўтган даврда ушбу Қонунга уч марта – 1999<sup>2</sup>, 2003<sup>3</sup> ва 2010<sup>4</sup> йилларда ўзгартиришлар киритилган. Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли ва оқ-қора тасвири тасдиқланган (ушбу китобнинг 5-иловасига қаранг). Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг такрорланаётган тасвири, унинг катта-кичиклигидан қатъи назар, ушбу Қонунга илова қилинаётган рангли ва оқ-қора тасвирига аниқ мос бўлиши керак.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 328-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 124-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 484-модда.

Ўзбекистон Республикаси **Давлат герби** кўйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони бугдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган гўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи – қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида «O'zbekiston» деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: Ҳумо қуши ва дарёлар – кумуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва «O'zbekiston» ёзуви – олтин рангида; гўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий – яшил рангда; чаноқлардаги пахта – оқ рангда; лента – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ранглари акс эттирувчи уч хил рангда; саккизбурчак – олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангда; ярим ой ва юлдузлар – оқ рангида тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири:

**Биринчидан**, доимий равишда:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳларининг;
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг;
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;
4. Республика давлат бошқаруви органларининг;
5. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг;
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг;
7. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;
9. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг;
10. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг;
11. Судларнинг;
12. Прокуратура органларининг;
13. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари биноларининг олд томониغا;

**Иккинчидан**, доимий равишда:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгашининг;
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва унинг Кенгашининг;
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;
4. Республика давлат бошқаруви органларининг;
5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг;
6. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг;
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг;
8. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;
10. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг;
11. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг;
12. Судларнинг;
13. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг никоҳ тантанали равишда рўйхатга олинадиган мажлислар залларига;

**Учинчидан**, доимий равишда:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг;
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг;
4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг;
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисларининг;
6. Республика давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг;
7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг;
8. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг;
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг;
10. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг;
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг;
12. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раисларининг;

13. Вилеятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг;

14. Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бошлиқларининг хизмат хоналарига жойлаштирилади.

### **Тўртинчидан:**

1. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг;

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг;

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг;

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг;

5. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг;

6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг бланкаларида.

### **Бешинчидан:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг девонининг;

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, унинг Кенгаши, қўмиталари ва девонининг;

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, унинг Кенгаши, қўмиталари ва девонининг;

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;

5. Давлат бошқаруви органларининг;

6. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органларининг;

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаларининг;

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;

10. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг;

11. Судларнинг;

12. Прокуратура органларининг;

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг);

14. Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг, консуллик муассасаларининг, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналарининг;

15. Нотариусларнинг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги нотариал архивларнинг;

16. Қонун ҳужжатлари билан муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотларнинг муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида;

**Олтинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг расмий нашрларида;

**Еттинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг **пул белгиларида**;

**Саккизинчидан**, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бериладиган дипломатик паспортларда;

**Тўққизинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараларида ўрнатиладиган **сарҳад устунларида**;

**Ўнинчидан**, Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси миллий операторининг почта вагонлари ва почта қутиларида;

**Ўн биринчидан**, умумдавлат намунасидаги ҳужжатларда акс эттирилади.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси **Давлат гербининг бўртма тасвиридан фойдаланиши мумкин**.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвиридан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметларда, ўқув-тарбия жараёнида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси **давлат мукофотларининг элементи** сифатида фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг элементларини нодалат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас.

**Нодалат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербига ўхшаш бўлиши мумкин эмас.**

«Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади. Ушбу Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Бу борадаги жавобгарлик чоралари, хусусан, 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган «Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» деб номланган 203<sup>1</sup>-моддасида, шунингдек, Жиноят кодексининг «Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш» номли 215-моддасида мустаҳкамланган (ушбу китобнинг 9 ва 10-иловаларига қаранг).

<sup>1</sup> Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 25 декабр сонидан эълон қилинган.

### 2.3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси – давлат суверенитетининг рамзи

«Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонун 1992 йил 10 декабрда<sup>1</sup> қабул қилинган (ушбу китобнинг 6-иловасига қаранг) бўлиб, ўтган даврда ушбу Қонунга икки марта – 2004<sup>2</sup> ва 2010<sup>3</sup> йилларда ўзгартиришлар киритилган. Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг матни ва мусиқавий таҳрири тасдиқланган (ушбу китобнинг 7 ва 8-иловаларига қаранг).

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси мадҳиянинг ушбу Қонун билан тасдиқланган матни ва мусиқавий таҳририга айнан мувофиқ ҳолда ижро этилмоғи лозим. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига **зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир.**

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси:**

1. Ўзбекистон Республикаси **Президенти лавозими**га киришиш чоғида – у қасамёд қабул қилганидан сўнг;

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сессияларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати **ялпи мажлисларининг очилиши ҳамда ёпилиши чоғида;**

3. Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган **умуммиллий байрамларга** бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши чоғида;

4. Давлат телевидение ва радиоэшиттириш компаниялари томонидан ҳар куни – кўрсатув ва эшиттиришлар бошланишидан аввал ва тугаганидан сўнг, кўрсатув ва эшиттиришлар кечаю кундуз олиб борилганида эса соат 6 да ва соат 24 да, янги йил кечасида – соат 24 да;

5. Республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат, ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 52-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 484-модда.

фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек, монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши чоғида;

6. Давлат органлари, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш чоғида;

7. Расмий сафар билан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш чоғида – тегишли хорижий давлатнинг давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин;

8. Ҳарбий маросимларни ўтказиш вақтида – Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларининг умумҳарбий уставларига мувофиқ;

9. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида – янги ўқув йили бошланиши ва ўқув йили тугаши маросимлари чоғида;

10. Спорт майдонларида – Ўзбекистон Республикаси чемпионатларини, миллий терма жамоалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларининг вакиллари бўлган голибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси унга нисбатан лозим даражадаги ҳурмат таъминланган ҳолда умуммиллий байрамлар ва тантанали тадбирлар вақтида ижро этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси оркестр, хор, ҳам оркестр, ҳам хор томонидан ёки ўзга вокал ва чолғу асбоблари билан ижро этилиши мумкин. Бунда овоз ёзиб олиш воситаларидан фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси вокал ҳамда вокал-чолғу асбоблари билан ижро этилган тақдирда тўлиқ ижро этилади, чолғу асбобларининг ўзида ижро этилган тақдирда эса мадҳия қисман ижро этилишига йўл қўйилади – ашуланинг бошланиши ва нақорат бир мартадан айтилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ҳозир бўлган кишилар, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов «Ўзбекистон Республика-



си Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонунга киритган таклифга биноан, **мадҳияни тик туриб ва ўнг қўл кафтини кўкракнинг чап томонига қўйиб**, ҳарбий ёки давлатнинг бошқа хизматидаги махсус кийимдаги шахслар эса қўлини бош кийимига қўйиб тинглайди.

Агар Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг ижро этилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиши билан биргаликда амалга оширилса, ҳозир бўлган кишилар унга юзи билан бурилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини:

**биринчидан**, ҳарбий қисмларда, ҳарбий кемаларда ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ижро этилаётган пайтда ҳарбий хизматчиларнинг **ҳарбий салом бериши – ҳарбий уставлар билан**;

**иккинчидан**, ички ишлар идораларида ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ижро этилаётган пайтда ички ишлар идораларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибидан бўлган шахсларнинг салом бериши – Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидалар билан**;

**учинчидан**, таълим муассасаларида ижро этиш – Ўзбекистон Республикаси **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги** ҳамда Ўзбекистон Республикаси **Халқ таълими вазирлиги** манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб **белгилаб қўядиган қоидалар билан тартибга солинади**.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

**Халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида** Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш маросими халқаро спорт ташкилотларининг мавжуд амалиётини инобатга олган ҳолда белгиланади.

**Хорижий давлатлар ҳудудида** Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси **ўша мамлакат тажрибаси ва маҳаллий урф-одатларини** инобатга олган ҳолда Ўзбе-

кистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

Ички ишлар идораларида, таълим муассасаларида, спорт муСОБАқалари вақтида, шунингдек хорижий давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари тегишли тадбирлар ўтказган вақтда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш қоидалари ушбу Қонун талабларига асосланиб белгиланади.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади. Ушбу Қонуннинг ижро этилиши устидан назорат ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ҳурмат қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Бу борадаги жавобгарлик чоралари, хусусан, 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун<sup>1</sup> асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган 203<sup>1</sup>-моддада, шунингдек, Жиноят кодексининг 215-моддасида мустаҳкамланган (ушбу китобнинг 9 ва 10-иловаларига қаранг).

---

<sup>1</sup> Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 25 декабр сонида эълон қилинган.

## ХУЛОСА

Давлат рамзлари – Давлат байроғи, Давлат герби, Давлат мадҳияси Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Бу рамзларни эъзозлаш ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустақамлаш демакдир. Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шухратини оширади.

Бу ҳақда фикр юритганда, жумладан, жамиятда давлат рамзларига ҳурмат ҳиссини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим. Хусусан, Биринчи Президентимизнинг давлат мадҳиясини тик туриб, ўнг қўлни кўкракка қўйиб тинглаш юзасидан берган тақлифи кейинчалик қонундан жой олди. Бинобарин, бу энг яхши шарқона миллий анъаналаримиздан бўлиб, давлат мадҳиямизга бўлган ҳурматнинг яққол намоён бўлишидир.

Давлат рамзларига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонқуярини тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик, фуқаролар яқдиллиги, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик – мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир.

Ҳар қандай мустақил давлатнинг муҳим белгилари жумласига унинг тимсолий рамзлари ҳам киради. Хўш, **рамз нима дегани?** Рамзлар, бу – шартли белгилар бўлиб, улар қадим замонлардаёқ турли халқларда у ёки бу ҳодиса, олам, мавжудот, одамлар тасвирини ифодалаган. **Рамзлар бевосита халқ, миллат ҳаёти, анъаналари, руҳияти, халқ оғзаки ижоди (фольклори), тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.**

Давлат рамзлари – бу мустақил давлатнинг муҳим ташқи белгиларини ўзида мужассамлантиради. **Давлат рамзларида халқнинг азалий орзуси, эзгу ниятлари, бугунги ҳаётининг мазмун-моҳияти акс этади.**

**Давлат рамзларига нималар киради?** Собиқ советлар даврида давлат рамзларига асосан байроқ, герб ва мадҳия киритилар эди.

Айтиб ўтганимиздек, давлат рамзлари булар билан чекланмайди. Мустақил Ўзбекистоннинг давлат рамзларига қуйидагилар киради:

**Биринчи рамз – мустақил ўзбек давлатининг номи.** Конституциямизнинг 1-моддасида: «**Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади**»<sup>1</sup>, деб ёзиб қўйилган. Ҳар бир инсоннинг бошқалардан фарқланувчи муҳим жиҳатларидан бири унинг исм-шарифи бўлганидек, ҳар қандай давлатнинг ҳам номи унинг ажралмас ташқи белгиларидандир. Мустақил ўзбек давлатининг номи халқаро шартномаларда, давлат органларининг муҳрларида, хизмат ҳужжатлари ва гувоҳномаларда ифодаланади.

**Иккинчи рамз – мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси.** Ўзбекистон халқининг истиқлолга эришганлиги унинг мустақиллик Қомуси бўлмиш Конституциясида мустаҳкамланган. Конституция дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини акс эттиради. Конституция халқнинг ўзини ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш тўғрисидаги азалий орзусини ифодалаган. Конституцияда мустақил ўзбек давлатининг моҳияти, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий тизимининг демократик табиати, унинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари юридик жиҳатдан қатъий белгилаб қўйилган. Шу маънода, **Конституция – истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзидир.**

**Учинчи рамз – Ўзбекистон Республикасининг давлат тили.** Тил ҳар бир миллат ўзлигининг ажралмас белгиси. Умуман, 1989 йилнинг 21 октябрида она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши истиқлол сари қўйилган энг муҳим амалий ҳуқуқий қадамлардан бири бўлган эди. Конституциямизнинг 4-моддасида эса ўзбек тили мустақил ўзбек давлатининг расмий тили сифатида Асосий Қонун ҳимоясига олинган<sup>2</sup>. Давлатга ном берган халқнинг, унинг миллий маданияти ва ўзига хослигини намоён этувчи восита бўлмиш ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тилидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш – ҳар биримиз учун

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. – 4-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. – 4-5-бетлар.

конституциявий бурч ва вазифадир. **Давлат тили – бу мустақил давлат белгиси, рамзидир.** Зотан, давлат тилида қонунлар ёзилади, халқаро шартномалар имзоланади, анжуманлар олиб борилади ва расмий ҳужжатлар юритилади.

**Тўртинчи рамз – Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳияси.** Ҳар бир мустақил давлат ўз байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлади. Конституциямизнинг 5-моддасида давлатимиз байроғи, герби ва мадҳиясининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган<sup>1</sup>. Йўлбошчимиз таъкидлаганидек, «**давлатимиз рамзлари – байроқ, герб, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради**»<sup>2</sup> ва улар ҳақида махсус қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонун<sup>3</sup> 1991 йил 18 ноябрда, Давлат герби тўғрисидаги қонун<sup>4</sup> 1992 йил 2 июлда, Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун<sup>5</sup> 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган.

**Бешинчи рамз – мустақил давлат пойтахти.** Конституциямизнинг 6-моддасида: «**Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳридир**»<sup>6</sup>, деб ёзиб кўйилган. Давлат пойтахти тўғрисидаги модда, собиқ совет конституцияларидан фарқли ўлароқ, Асосий Қонуни мизнинг 1-бобида берилган. Пойтахт шаҳар – ҳар бир мустақил давлатнинг юзи бўлиб, бир қатор хусусиятларга эгадир. Хусусан, мамлакат пойтахти давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг марказий идоралари, давлат бошлиғи қароргоҳи, давлатнинг асосий сиёсий

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. – 5-бет.

<sup>2</sup>И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 84-бет.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 51-сон, 484-модда.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 51-сон, 484-модда.

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 51-сон, 484-модда.

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. – 5-бет.

ва иқтисодий тадбирлари амалга ошириладиган, чет эл дипломатик ваколатхоналари жойлашадиган шаҳардир.

**Олтинчи рамз – мустақил давлат фуқаролиги.** Фуқаролик ҳар қандай давлатнинг ажралмас белгисидир. У шахснинг давлатга мансублигини, унга дахлдорлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Шунингдек, давлат шахсни Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ҳамда бурчлар билан таъминлайди. Фуқаролик – бу шахс билан давлат ўртасидаги барқарор ва доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқа бўлиб, бунда уларнинг ўзаро ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари ўз ифодасини топади.

Конституциянинг 21-моддасида белгиланганидек, **«Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқароликни ўрнатилган»**<sup>1</sup>. Бу дегани, мустақил Ўзбекистон давлати ягона ва яхлитдир. Барча фуқаролар ягона сиёсий-ҳуқуқий мақомга эга ва уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари давлат муҳофазаси билан таъминланади. Бинобарин, Йўлбошчимиз ягона фуқаролик тўғрисида тўхталиб: **«Икки давлат фуқаролигимиз ягона мансублик... беватанлик билан баробардир»**<sup>2</sup>, дегани бежиз эмас.

**Еттинчи рамз – давлат мукофотлари ва унвонлари.** Ҳар бир мустақил давлат ўз мукофотлари ва унвонларини таъсис этади. Конституциянинг 78-моддасида Олий Мажлиснинг давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган<sup>3</sup>. Ўзбекистон Республикасида «Ўзбекистон Қадриятлари» юрак давлат унвони ва олий нишон – «Олтин юлдуз» медаллари, «Мустақиллик», Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, «Буюк ҳақрамони» юрак давлат унвони ва олий медаллари, «Мустақиллик», «Эл-юрт ҳурмати», «Фидокорона хизматлари учун», «Мехнат шухрати», «Соғлом авлод учун» (биринчи ва иккинчи даражали), «Шон-шараф» (биринчи ва иккинчи даражали), «Дўстлик» ордени, «Шон-шараф» (биринчи ва иккинчи даражали), «Шухрат» медаллари ва бошқалари, «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун», «Шухрат» медаллари ва бошқалари юрак давлат унвонлари таъсис этилган. Фуқароларнинг ҳар қандай мукофотлар ҳамда унвонлар таъсис этилган. Фуқароларнинг меҳнатда кўрсатган хизматлари, давлат, жамоатчилик олдидаги ва ижтимоий ҳаётда кўрсатган хизматлари, давлат, жамоатчилик олдидаги ва ижтимоий ҳаётда самарали фаолиятини рағбатлан-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. – 9-бет.

<sup>2</sup> И.А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 96-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. – 27-бет.

тиришда бу мукофотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Конституциянинг 93-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг орденилари, медаллари, фахрий унвонлари давлат бошлиғи – Президент томонидан берилади<sup>1</sup>.

**Саккизинчи рамз – миллий валюта.** Ҳар бир мустақил давлат ўзининг миллий валютасига, миллий пул бирлигига эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 1994 йил 16 июнда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – «сўм» муомалага киритилган. Миллий валюта мустақиллигининг муқаддас белгиси, давлатимиз рамзидир.

**Тўққизинчи рамз – умумхалқ байрамлари.** Давлат рамзларига қонун билан мустаҳкамланган, мамлакатимизда нишонланадиган умумхалқ байрамларини ҳам киритиш жоиздир. Хусусан, 1 сентябрь – Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни, 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни, 8 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун, 21 март – Наврўз байрами, 1 январь – Янги йил байрами, 8 март – Хотин-қизлар куни, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, Ийд ал-Фитр – Рамазон ҳайитининг биринчи куни, Ийд ал-Адҳа – Қурбон ҳайитининг биринчи куни Ватанимизнинг улуғ саналари сифатида нишонланади. Умумхалқ байрамлари давлатимиз ва халқимизнинг рамзий кунлари сифатида кўпмиллатли Ўзбекистон халқига тааллуқлидир. Улар Ўзбекистонда барча миллат ва элатлар томонидан нишонланади ва дам олиш куни ҳисобланади.

**Ўнинчи рамз – Ўзбекистон Республикасининг давлат бошлиғи – Президенти.** Давлат бошлиғи – бу миллат тимсоли, давлат рамзидир. Чунки ҳадиси шарифларда таъкидланганидек, **«Султон ер юзида Аллоҳнинг соясидур»**, унга адолатни таъминлаб, яратувчининг бандаларини зулму ситамдан қутқариб, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш вазифаси топширилган.

Улуғ ўзбек шоири ҳазрат **Алишер Навоий** ўз асарларида Соҳибқирон Амир Темурнинг **«Куч – адолатдадир»** деган шиорига таяниб,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. – 47-бет.

адолат тимсоли бўлган давлат бошлигини яратувчи зотнинг бир кўри-ниши деб баҳо берган. Навоий давлат раҳбари кучли идрок ва ёрқин юрак соҳиби бўлиб, отга минганда уфқларни ўз таъсири остига олиш қобилиятига эга, адолатда Наврўз каби файзли бўлиши кераклигини тараннум этган.

Демак, Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари фақат ўзбек давлатигагина тааллуқли бўлиб, уларда моҳияти чуқур маънога эга шартли белгилар бадий ифода сифатида маълум бир кўринишларда акс этади. Бундай кўриниш оҳанглар, сўзлар, табиат тасвири, ранглар, астрологик жисмлар ва бошқа турли шаклларда бўлиб, халқимизнинг ўтмиши, бугунги куни, интилиши, орзу-умидлари, истиқболи, гурури ва фахрини ўзида мужассамлаштиради.

Шундай қилиб, санаб ўтилган миллий давлат рамзлари оламшумул воқеа, улар мустақил Ўзбекистон давлатининг ёрқин тимсолларидир. Бу муқаддас тимсоллар эл-юртимизнинг бугуни, эртанги куни ва буюк келажаги учун муносиб хизмат қилади. **«Шу рамзларни эъозлаш — ўзининг қадр-қиммати, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир»<sup>1</sup>.**

---

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 84-бет.



## ИЛОВАЛАР

1-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БАЙРОҒИ**  
**ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 51-сон, 484-модда)

**1-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг схематик ва рангли тасвири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир.

**3-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади.

**4-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи – байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенлиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенлиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳошиялар ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Оқ рангли янги ой ва ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 75x30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Оқ рангли янги ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдуз диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар янги ойнинг пастки учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади.

### **5-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи:

1) доимий равишда:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳларининг;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;
- Республика давлат бошқаруви органларининг;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг;
- махаллий давлат ҳокимияти органларининг;
- судларнинг;
- прокуратура органларининг биноларида;

2) доимий равишда:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг<sup>1</sup>;

<sup>1</sup> 2017 йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз

Республика давлат бошқаруви органларининг;  
 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг;  
 Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг;  
 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг;  
 Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;  
 Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар  
 Кенгашининг;  
 маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мажлислар  
 залларида;

3) доимий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг;  
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси  
 Спикерининг;  
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг;  
 Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг;  
 Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон  
 Республикаси Олий суди раисларининг;  
 республика давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг;  
 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг;  
 Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати  
 раисининг;  
 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви  
 раисининг;  
 Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг;  
 Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси  
 раисининг;  
 Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар  
 Кенгаши раисларининг;  
 вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг;

кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси биринчи қисми 2-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг» деган сўзлари ва 3-бандининг олтинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди» деган сўзлар чиқариб ташланди // Қаранг: Халқ сўзи, 2017 йил 15 сентябрь.

- Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бошлиқларининг хизмат хоналарида;
- 4) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган байрам кунларида – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорлари билан белгиланган марказий кўчаларда, майдонларда, бошқа жамоат жойларида ва объектларда;
  - 5) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари сайлови ёки референдум кунларида – овоз бериш ўтказилаётган бинолар ва хоналарда;
  - 6) Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари биноларида ёки худудларида ва транспорт воситаларида – халқаро ҳуқуқ нормаларига, дипломатик протокол қоидаларига ҳамда ваколатхоналар ва муассасалар жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ;
  - 7) хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, бошқа расмий делегацияларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига, дипломатик протокол қоидаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасида бўлишининг тасдиқланган дастурига мувофиқ транспорт воситаларида, вокзалларда, аэропортларда, юриш йўналиши бўйича ва бошқа ташриф объектларида;
  - 8) расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир, Ўзбекистон Республикасининг бошқа расмий делегациялари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бошлиқлари тушган чет элдаги денгиз ва дарё кемаларида, бошқа транспорт воситаларида;

- 9) Ўзбекистон Республикаси кемалар қатнови инспекциясининг кемалар реестрида рўйхатга олинган денгиз ва дарё кемаларида;
  - 10) Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳарбий бирлашмаларида, қўшилмаларида ва қисмларида, шунингдек бошқа ҳарбий тузилмаларида – Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг умумҳарбий уставларига мувофиқ;
  - 11) доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш пунктларида;
  - 12) спорт майдонларида – Ўзбекистон Республикаси чемпионатларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси спорт терма командаларининг вакиллари бўлган ғолибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида кўтарилади.
- Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи унга нисбатан лозим даражадаги ҳурмат таъминланган ҳолда умуммиллий байрамлар ва тантанали тадбирлар вақтида кўтарилиши мумкин.

#### **5<sup>1</sup>-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилар:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари реестрига киритилган ҳаво кемаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти ҳисобида турувчи экспериментал ҳаво кемаларига;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автотранспорт воситалари ва улар тиркамаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгиларига;

Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметларда, ўқув-тарбия жараёнида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин.

**5<sup>2</sup>-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

**6-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи:

ушбу Қонун 5-моддасининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда соат 6 да кўтарилади ва соат 22 да тушириб қўйилади;

ушбу Қонун 5-моддасининг 5-бандида назарда тутилган ҳолларда овоз бериш ёки референдум ўтказиш даврида кўтариб қўйилади;

ушбу Қонун 5-моддасининг 7-бандида назарда тутилган ҳолларда хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, бошқа расмий делегацияларнинг ташриф буюришидан 24 соат олдин кўтарилади ва улар жўнаб кетганидан кейин 24 соат мобайнида тушириб қўйилади.

**7-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилганда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг олд томони-га қараб турганда) чап томондан кўтарилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилганда, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғининг ўлчами Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ўлчамидан катта бўлмаслиги керак, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиш баландлиги эса Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиш баландлигидан паст бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда хорижий давлатлар ва (ёки) халқаро ташкилотлар байроқлари кўтарилганда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро ҳуқуқ

нормаларига ва дипломатик протокол қоидаларига мувофиқ кўтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи хорижий давлатлар ва (ёки) халқаро ташкилотлар байроқлари билан бир хил баландликда жойлаштирилиши ҳамда бир хил ўлчамга эга бўлиши керак.

### **8-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи биноларнинг асосий кириш жойида ёки бунинг учун мақбул бўлган бошқа жойда, ёхуд тегишли тутқичи бўлган дастада, ё бўлмаса флагштокда байроқнинг дастаси бинонинг олд томони билан кўпи билан 45 градусли бурчак ҳосил қиладиган тарзда кўтарилади.

Кўтариб кўйилган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг матоси ер сатҳидан камида 2,5 метр баландликда бўлиши керак.

### **9-модда.**

Мотам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мотамга мослаб кўтарилади. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи дастаси ёки флагштокнинг юқори учига байроқ энининг 1/20 қисмига тенг бўлган кенгликдаги қора тасма боғланади, тасманинг икки учи байроқнинг бутун эни узунлигида осилиб туради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мотам муносабати билан флагштокда кўтарилган тақдирда у флагшток узунлигининг 1/3 бўлагича тушириб кўйилади.

### **10-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ва унинг тасвири катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳамма вақт ушбу Қонунга илова қилинаётган рангли ва схематик тасвирига аниқ мос бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **11-модда.**

Ушбу Қонун ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади.

**12-модда.**

Ушбу Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

**13-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти      И. КАРИМОВ**

*Тошкент ш., 1991 йил 18 ноябрь, 407-ХII-сон*



Ўзбекистон Республикасининг Давлат байрогининг  
оқ-қора тасвири


Олди томони



Орқа томони



(Схематик тасвири)



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ  
БАЙРОҒИНИ ТАЙЁРЛАШ, САҚЛАШ ВА ЙЎҚ ҚИЛИШ  
ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ҳақида»ги Қонунини амалда жорий этиш тўғрисида» 1991 йил 18 ноябрдаги қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади;

1. Илова қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Давлат байроғи тўғрисида»ги Низомни қўлланиш юзасидан Инструкцияни тасдиқлаш тўғрисида» 1974 йил 14 октябрдаги 475-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1974 й., 10-сон, 57-модда);

Ўзбекистон ССР Давлат байроғи тўғрисидаги низомни қўлланиш юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1974 йил 14 октябрдаги 475-сон қарори билан тасдиқланган Инструкцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1978 йил 11 июлдаги 384-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1978 й. (7-сон, 27-модда);

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Давлат байроғи тўғрисидаги низомни қўлланиш ҳақидаги Инструкцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1981 йил 21 августдаги 684-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1981 й., 8-сон, 24-модда);

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Давлат байроғи тўғрисидаги низомни қўлланиш бўйича Инструкцияга қўшимчалар киритиш ҳақида» 1984 йил 27 сентябрдаги 498-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1984 й., 9-сон, 48-модда).

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

*Тошкент ш., 1991 йил 30 декабрь, 316-сон*

**Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил  
30 декабрдаги 316-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини  
тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиш  
ТАРТИБИ**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва унинг тасвири, уларнинг ҳажмларидан ташқари, ҳар доим Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ҳақида»ги Қонунига илова қилинган схематик ва рангли тасвирга мос бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг эни 125 см, узунлиги – 250 см бўлади. Байроқнинг ҳажми бошқача бўлиши ҳам мумкин. Лекин ҳамма ҳолларда байроқнинг эни узунлигига нисбатан 1:2 бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тайёрлаш маҳаллий саноат корхоналари зиммасига юкланади, Улар байроқлар тайёрлаш бўйича буюртмани биринчи навбатда бажаришлари керак, Тайёрланган байроқлар сифати бўйича корхоналарнинг техникавий назорат бўлими хизматлари ва раҳбарлари (директор ёки бош муҳандис) томонидан қабул қилинади. Байроқларнинг сифати ва аниқ бажарилганлигини текшираётганда маҳаллий саноат корхоналарининг раҳбарлари ва техникавий назорат бўлими хизмати қонунга илова қилинган тасвирга амал қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини сақлаш корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, уй-жойлардан фойдаланиш учун жавоб берувчи мансабдор шахслар, (хусусий мулк ҳуқуқи асосидаги) уй эгалари томонидан таъминланади.

Давлат байроқлари бут-бутун, ранги бузилмаган ҳолда кўтарилади.

Давлат байроғининг сақланиши учун жавоб берувчи шахслар дастлабки рангини йўқотган байроқларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ижроия кўмитасига акт бўйича топширадилар,

Халқ депутатлари ноҳия, шаҳар, шаҳарлардаги ноҳия, овул, посёлка, кишлоқ Кенгашлари ижроия кўмиталарида комиссиялар тузилиб, улар бундан кейин фойдаланиб бўлмайдиган байроқларни утилизация қилиш ҳақида қарорлар қабул қиладилар ва бу ҳақда тегишли акт тузилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 124-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 51-сон, 484-модда)

**1-модда** Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли ва оқ-қора тасвири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда** Ўзбекистон Республикаси Давлат герби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзидир.

**3-модда** Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони бугдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра куёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Республика хурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эрк-севарлик рамзи – қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида «O'zbekiston» деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: Ҳумо қуши ва дарёлар – кумуш рангида; куёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва «O'zbekiston» ёзуви – олтин рангида; ғўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий – яшил рангида; чаноқлардаги пахта – оқ рангида; лента – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ранглари акс эттирувчи уч хил рангида; саккизбурчак – олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангида; ярим ой ва юлдузлар – оқ рангида тасвирланган.

**4-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири:

## 1) доимий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳларининг;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг;  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;  
республика давлат бошқаруви органларининг;  
Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг;  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг;  
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;  
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;  
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар  
Кенгашининг;  
маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг;  
судларнинг;  
прокуратура органларининг;  
Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, кон-  
суллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузури-  
даги ваколатхоналари биноларининг олд томониغا;

## 2) доимий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси  
ва унинг Кенгашининг;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва унинг Кен-  
гашининг;  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;  
республика давлат бошқаруви органларининг;  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг;  
Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг;  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг;  
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;  
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;  
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар  
Кенгашининг;  
маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг;  
судларнинг;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг никоҳ тантанали равишда рўйхатга олинадиган мажлислар заларига;

3) доимий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг;  
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг;  
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисларининг<sup>1</sup>;  
республика давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг;  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг;  
Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг;  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг;  
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг;  
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг;  
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раисларининг;  
вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг;  
Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бошлиқларининг хизмат хоналарига жойлаштирилади;

---

<sup>1</sup> 2017 йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисми 3-бандининг олтинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди» ва 6-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг» деган сўзлар чиқариб ташланди// Қаранг: Халқ сўзи, 2017 йил 15 сентябрь.

- 4) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг;  
Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг;  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг;  
Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг;  
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг бланкаларида;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг девонининг;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, унинг Кенгаши, қўмиталари ва девонининг;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, унинг Кенгаши, қўмиталари ва девонининг;  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;  
давлат бошқаруви органларининг;  
Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органларининг;  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаларининг;  
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;  
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;  
маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг;  
судларнинг;  
прокуратура органларининг;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг);  
Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг, консуллик муассасаларининг, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналарининг;  
нотариусларнинг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги нотариал архивларнинг;

қонун ҳужжатлари билан муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотларнинг муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида;

- 6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг расмий нашрларида;
- 7) Ўзбекистон Республикасининг пул белгиларида;
- 8) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бериладиган дипломатик паспортларда;
- 9) Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараларида ўрнатилган сарҳад устунларида;
- 10) Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси миллий операторининг почта вагонлари ва почта кутиларида;
- 11) умумдавлат намунасидаги ҳужжатларда акс эттирилади.  
Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг бўртма тасвиридан фойдаланиши мумкин.  
Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвиридан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметларда, ўқув-тарбия жараёнида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин.

### **5-модда**

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг такрорланаётган тасвири, унинг катта-кичиклигидан қатъи назар, ушбу Қонунга илова қилинаётган рангли ва оқ-қора тасвирига аниқ мос бўлиши керак.



**5'-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербига ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

**6-модда.**

Ушбу Қонун ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади.

**7-модда.**

Ушбу Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

**8-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг  
оқ-қора тасвири



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 52-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 51-сон, 484-модда)

#### **1-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг матни ва мусиқавий тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

#### **2-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир.

#### **3-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш чоғида – у қасамёд қабул қилганидан сўнг;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сессияларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисларининг очилиши ҳамда ёпилиши чоғида;
- 3) Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умуммиллий байрамларга бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши чоғида;
- 4) давлат телевидение ва радиоэшиттириш компаниялари томонидан ҳар куни – кўрсатув ва эшиттиришлар бошланишидан аввал ва тугаганидан сўнг, кўрсатув ва эшиттиришлар кечаю кундуз олиб борилганида эса соат 6 да ва соат 24 да, янги йил кечасида – соат 24 да;
- 5) республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат, ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамон-

- лари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши чоғида;
- 6) давлат органлари, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш чоғида;
  - 7) расмий сафар билан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш чоғида – тегишли хорижий давлатнинг давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин;
  - 8) ҳарбий маросимларни ўтказиш вақтида – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий уставларига мувофиқ;
  - 9) умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида – янги ўқув йили бошланиши ва ўқув йили тугаши маросимлари чоғида;
  - 10) спорт майдонларида – Ўзбекистон Республикаси чемпионатларини, миллий терма жамоалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларининг вакиллари бўлган ғолибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида ижро этилади.

#### **4-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси унга нисбатан лозим даражадаги ҳурмат таъминланган ҳолда умуммиллий байрамлар ва тантанали тадбирлар вақтида ижро этилиши мумкин.

#### **5-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси оркестр, хор, ҳам оркестр, ҳам хор томонидан ёки ўзга вокал ва чолғу асбоблари билан ижро этилиши мумкин. Бунда овоз ёзиб олиш воситаларидан фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси вокал ҳамда вокал-чолғу асбоблари билан ижро этилган тақдирда тўлиқ ижро этилади, чолғу асбобларининг ўзида ижро этилган тақдирда эса мадҳия қисман ижро этилишига йўл қўйилади – ашуланинг бошланиши ва нақорат бир мартадан айтилади.

**6-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси мадҳиянинг ушбу Қонун билан тасдиқланган матни ва мусиқавий таҳририга айнан мувофиқ ҳолда ижро этилмоғи лозим.

**7-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурда ижро этилганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб ва ўнг қўл кафтини кўкракнинг чап томонига қўйиб, ҳарбий ёки давлатнинг бошқа хизматидаги махсус кийимдаги шахслар эса қўлини бош кийимига қўйиб тинглайди.

Агар Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг ижро этилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиши билан биргаликда амалга оширилса, ҳозир бўлган кишилар унга юзи билан бурилади.

**8-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини:

ҳарбий қисмларда, ҳарбий кемаларда ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ижро этилаётган пайтда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий салом бериши – ҳарбий уставлар билан;

ички ишлар идораларида ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ижро этилаётган пайтда ички ишлар идораларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибидан бўлган шахсларнинг салом бериши – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидалар билан; таълим муассасаларида ижро этиш – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидалар билан тартибга солинади.

**9-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда республика ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги манфаатдор ташкилотлар би-

лан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

Халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш маросими халқаро спорт ташкилотларининг мавжуд амалиётини инобатга олган ҳолда белгиланади.

#### **10-модда.**

Хорижий давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ўша мамлакат тажрибаси ва маҳаллий урф-одатларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

#### **11-модда.**

Ички ишлар идораларида, таълим муассасаларида, спорт мусобақалари вақтида, шунингдек хорижий давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари тегишли тадбирлар ўтказган вақтда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш қоидалари ушбу Қонун талабларига асосланиб белгиланади.

#### **12-модда.**

Ушбу Қонуннинг ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади. Ушбу Қонуннинг ижро этилиши устидан назорат ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

#### **13-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ҳурмат қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**



**Абдулла Орипов**

### Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси матни

Серкуёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!  
Яшнагай то абад илму фан, ижод,  
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!  
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,  
Халқсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

**Абдулла Орипов** – атоқли ўзбек шоири. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири. Ўзбекистон Республикаси мадҳияси матни муаллифи.

Абдулла Орипов 1941 йилнинг 21 мартада Қашқадарё вилояти, Косон туманидаги Некўз қишлоғида туғилган.

Шоирнинг биринчи шеърлар тўплами «Митти юлдуз» 1965 йилда чоп этилган. Ундан кейин «Кўзларим йўлингда» (1967), «Онажон» (1969), «Рухим» (1971), «Ўзбекистон», «Қасида» (1972), «Хотирот» (1974), «Юртим шамоли» (1974), «Жаннатга йўл» (1978), «Хайрат» (1979), «Ҳаким ва ажал» (1980), «Нажот қалъаси» (1981), «Йиллар армони» (1983), «Ҳаж дафтари» (1992), «Сайланма» (1996), «Соҳибқирон» (1996), тўрт томлик «Танланган асарлар» (2000–2001) сингари қатор китоблари босилиб чиқди.

У Дантенинг «Илоҳий комедия» асарини, Л. Украинка, Т. Шевченко, Н. Некрасов, К. Кулиев, Р. Ҳамзатов сингари шоирларнинг шеърларини маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган.

Абдулла Орипов 2016 йил 5 ноябрда вафот этган.



Мутал Бурхонов

Мутал (Мутаваккил) Бурхонов 1916 йил 5 майда Бухоро шаҳрида туғилган.

**Мутал Бурхонов** – композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964), Ўзбекистон халқ артисти (1974). Ўзбекистонда капелла жанри асосчиларидан. Самарқанд мусиқа ва хореография институтида (1928–1932), Москва консерваториясида (1939–1941, 1946–1949) таълим олган. Ҳашт йиллари «Алишер Навоий» драмаси (Уйғун ва И. Султон, 1943)га мусиқа, қатор камервокал ва камер чолғу асарлар яратди.

Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотлари лауреати (1964, 1970). «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (2001).

Мутал Бурхонов 2001 йил 15 июнда вафот этган.

8-илова

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАДҲИЯСИ

Абдулла Орипов  
шеъри

Мутал Бурхонов  
муסיқаси

Maestoso

Сир-ку - ёш, кўр га - вақ, эл - то бахт, на-  
жот. Сил га - вақт афс - лар - га га - вақ, вақ - га - ёш! Мек - га -



10

боис Яд-на-тей то а-бад ва - ну фиқил-нод. Шу-ра - тин кор-ал -

11

росо рд. a tempo

син то-ки бор жа - ҳос Ол - тин бу ро-дай-лар жон Ға-бо - қис-

12

тош. Ал-дай-лар кор-до - ма ру - хи қил-ди ёри У - луғ

13

қош қил-ди-тик жери ур-тин то - шин. О - дин - ин мақ-ад - и об-ла-ран ди -

14

бул - ин тин ди - ёри

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

(Кўчирма)

### **203<sup>1</sup>-модда.**

Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш.

Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(203<sup>1</sup>- модда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-273-сонли Қонунига асосан киритилган – ЎР ҚХТ, 2010 й., 51-сон, 484-модда)*

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 25 декабрдаги 248 (5163)-сонидан эълон қилинган.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

(Кўчирма)

### **215-модда.**

Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш

Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

*LexUZ шарҳи*

Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддаси.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

**(Кўчирма)**

**4-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги 407–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда) 5-моддаси биринчи қисми 2-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг» деган сўзлар ва 3-бандининг олтинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**5-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги 616–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда) 4-моддаси биринчи қисми 3-бандининг олтинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди» ва 6-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2017 йил 14 сентябрь  
№ ЎРҚ-446

## М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ .....	3
-------------	---

### Биринчи боб.

#### Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари тарихи

1.1. Давлат рамзлари тарихига бир назар .....	6
1.2. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши .....	16
1.3. Давлат рамзларининг белгилари, вазифалари ва хусусиятлари .....	34

### Иккинчи боб.

#### Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари – давлат суверенитетининг тимсоли тарихи

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи – давлат суверенитетининг рамзи .....	46
2.2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби – давлат мустақиллигининг рамзи .....	55
2.3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси – давлат суверенитетининг рамзи .....	61

## ХУЛОСА

1-илова. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун .....	71
2-илова. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғининг оқ-қора тасвири.....	79
3-илова. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғини тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби ҳақида»ги Қарори ...	80
4-илова. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун .....	82
5-илова. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг оқ-қора тасвири .....	88
6-илова. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонун .....	89
7-илова. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси матни .....	93
8-илова. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясининг мусикаси.....	94
9-илова. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ( <i>Кўчирма</i> ) .....	96
10-илова. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ( <i>Кўчирма</i> ) .....	97
11-илова. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонуни ( <i>Кўчирма</i> ).....	98

---

---

**АКМАЛ САИДОВ**

---

---

## **КОНСТИТУЦИЯ ВА ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ**

**Муҳаррир Даврон Улуғмуродов**  
**Бадий муҳаррирлар Азамат Юлдашев,**  
**Насиба Адилханова**  
**Техник муҳаррир Елена Толочко**  
**Мусаҳҳиҳ Дилафрӯз Чориева**  
**Матн терувчи Гулчехра Азизова**

Лицензия рақами АИ № 163. 09.11.2009. Босишга 2017 йил 11 октябрда рухсат этилди. Бичими 60×70<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет қоғози. Pragmatica гарнитураси. Шартли босма табоғи 4,9. Нашр табоғи 5,80. Адади 1000 (1-завад 500 нусха). Шартнома № 74–2017. Буюртма № 275.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи техник ва дастурий воситалар базасида чоп этилди. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефон: (371) 244-10-45. Факс: (371) 244-58-55.





*Чулпон номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи*

ISBN:978-9943-05-994-8



9 789943 059948